

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

Истиқлол йиллари: миллий-диний
қадриятларнинг халққа қайтиши

*Мустақиллик, Хоразм ва
миллий-диний қадриятлар
(Хива, 4 июл)*

(Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига
бағишланган илмий-амалий анжуман материалларининг баёни)

ТОШКЕНТ-2001

Истиқлол йиллари: миллий-диний
қадриятларнинг халққа қайтиши

Мустақиллик, Хоразм ва миллий-диний қадриятлар
(Хива, 4 июл)

Таҳрир ҳайъати:


З. Мунавваров
Н. Жабборов
Ш. Сирожиддинов

Техник муҳаррирлар: С. Смирнов
А. Аббасова

26600

Ю 2/394

ПОДР.



© Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Хоразм деганда, Зардушт қадимий маданиятидан илҳомланиб, Авесто яратилган, умуммусулмон тамаддунига қўшган беназир ҳиссаси учун «Жоруллоҳ», яъни «Оллоҳнинг қўшниси», деган улуғвор унвонга сазовор бўлган Маҳмуд аз-Замахшарий туғилиб, камол топган, том маънодаги иймону эътиқод, ватанга муҳаббат у миллат дардига фидойиликнинг олий рамзига айланган Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, бугунги илму маърифатнинг безавол тамал тошларини қўйган Абу Райҳон ал-Беруний, Мусо ал-Хоразмий каби алломаларни башариятта туҳфа этган, Комилжон Отаниёзовнинг ширали саси таралиб турадиган, Худойберган Девоновнинг киноленталарида мангу муҳрланган кўҳна ва навқирон замин кўз ўнгимизда ялт этиб гавдаланади. Фақат уларгина эмас. Ҳофиз Хоразмий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Соний-Ферузларнинг миллат ва халққа садоқати халқимизнинг улуғ қадриятлари мақомига кўтарилгани билан «Қуёш ўлкаси»да униб-ўсган ҳар қандай инсонда ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов Хоразмни миллий давлатчилигимиз бешикларидан бири деган эдилар.

Хоразм билан боғлиқ зикр этилган ва бошқа жиҳатларни эслаш бугун мутлақо табиий ҳол сифатида қабул қилинмоқда. Бу — жуда тўғри. Бироқ ҳали тафти сезилиб турган яқин ўтмиш — атиги ўн йил бурунги воқеликни эслайликчи...Аҳвол қандай эди?

Миллий ва диний қадриятларга кескин адоватли муносабатда бўлган шўро мафкураси туфайли, табаррук номлари санаб ўтилган улуғларимиз ҳақида чет элларнинг билими биздан кенгроқ эмасмиди? Уларнинг ҳақиқий мақомини идрок этган том маънодаги зиёлиларимиз ҳам «мум тишлаб» юришга маҳкум эмасмидилар?

Мустақиллик ўзлигимизни тикламоқда, деймиз. Бу жараён нималарда ўз ифодасини тошмоқда деган саволга, энг аввало, асл миллий ва диний қадриятларимиз орқали деб жавоб берсак асло

муболаға бўлмас. Бу эса, давлатимиз ва истиқлолимизнинг ҳақиқий жарчиси — Юртбошимизнинг мазкур қадриятларни халққа қайтаришга қаратилган алоҳида жонқуярлиги туфайли собитқадамлик билан кечмоқда десак, ҳеч ким эътироз билдира олмайди.

Хоразмнинг охириги ўн йиллик тараққиётига бир назар ташлаб кўрайлик: Авестонинг 2700 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш, Қадимий Хеванинг 2500 йиллигини кенг тантана қилиш, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд аз-Замахшарий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Соний-Феруз каби Хоразмнинг асл тарихи, маданияти, қўйингки, буюклигини кўз-кўз қилаётган муносабатларни давлат ташаббуси ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан тўй қилинаётгани миллий-диний қадриятларнинг кўксига ажиб насим келтирди.

Истиқлол туфайли Хоразмни буюк Шарқнинг илму ирфон марказларидан бири бўлганини исботлаган Маъмур академиясининг тикланиши ҳақиқий қадриятта қайтишнинг энг таъсирчан мисолларидан бўлди, десак заррача муболаға қилмаган бўламиз.

Хоразм халқининг бетакрор қиёфасию унинг асл моҳиятини ифода этувчи ёқимли шеvasи, беназир санъати, ҳатто, ўзига хос кийиниш маданияти ҳақида баралла гапираётганимиз ва бу билан гурурланаётганимиз Мустақилликнинг ҳақиқий неъматларидан эмасми?

XV асрда яшаб, Хоразмни зиёрат қилган буюк араб сайёҳи Ибн Баттутага қулоқ тутайлик: *«Бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатларимда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ, олийжаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим. Улар намозни шундай тартибга риоя этиб ўқийдиларки, бунини бошқа ҳеч қаерда кўрмаганман»* дея ўз ҳайратини изҳор эттанди жаҳонгашта сайёҳ. Ибн Баттута зикр этган хоразмлик алломалар ичида, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарийдан ташқари, биз ҳали билиб ололмаган буюклар ҳам борлигини эътироф этиш бутун бағоят ўринли: *«Мазкур шаҳарда бир неча воизлар, музақирлар бўлиб, уларнинг ичида энг обрўлилари мавлоно Зайниддин ал-Муқаддасий билан мавлоно Ҳисомиддин ал-Машотий хатибдирки, бу кейингиси мен ваъзини тинглаган*

жаҳондаги энг суҳандон тўрт сиймодан биридир», деб ёзади у.

Хоразмни исломий тамаддуннинг Ўрта Осиёга кириб келишини таъминлаган мажозий маънодаги кўприк деб аташ мумкин. Эслаганимиз аз-Замахшарийдек буюк аллома Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий томонидан «Қисаси Рабғузий» – пайгамбарлар сийратининг биринчи туркий баёни яратилгани бунинг исботларидан биридир. Қолаверса, Хоразмда шакланган таржима мактабининг саъй-ҳаракатлари туфайли кенг омма томонидан исломнинг мазмун-моҳиятини идрок этиш осонлаштирилган.

Ўрта асрларда Бағдодда шакланган «Байт-ул-ҳикма»ни бошқариш учун таклиф этилган ва Аҳмад ал-Фарғоний, Абдуллоҳ ал-Марвазий каби олимлар билан ҳамкорликда уни жаҳондаги энг нуфузли Академияга айлантирган инсон Мусо ал-Хоразмий ҳам-шу заминнинг фарзандидир. Қолаверса, биз бугун ахборотлар асри, технологиялар асри деб атаётганимиз ХХI асрнинг энг замонавий ҳисоблаш машиналарида қўлланаётган «Алгоритм» деб аталувчи математик услубнинг шу замин ўғлони ал-Хоразмий номи билан боғланганлиги унинг чўнг зиё маскани бўлганлигини бугун ҳам кўз-кўз қилиб турибди.

Марказий Осиёдаги илк матбаани ўз саройида ташкил этган, юрт фарзанди Отажон Абдаловга уни ўрганиш лозимлигини уқтирган Феруз ва фаолиятини 1876 йилда «Нисоб-ус-сибён» – «Болалар учун бошланғич дарслик» номли китобнинг нашри билан бошлаган маърифий муассаса ҳам бугун интилаётган олий мақсадимиз – буюк давлат ва порлоқ истиқбол яратишда Хоразмнинг алоҳида ўрни борлигини кўрсатади.

*Проф. Зоҳидулло Мунавваров,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси*

*Баҳодир ИСМОИЛОВ,
Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари*

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ: МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ХАЛҚҚА ҚАЙТИШИ

Мустақиллик йилларида вилоятимиз ижтимоий-маданий ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди. Юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларини ҳар соҳада, ҳар лаҳзада кўриш мумкин.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистонимиз порлоқ келажаги йўлидаги салоҳиятли фаолиятини чуқур ҳис қилган хоразмликлар, бутун республикаимиз аҳли сингари, элим, юртим деб ёниб, истиқлолимиз пойдеворини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ташаббус, ижодкорлик билан ишлаш асосий мезонга айланмоқда. Айниқса, истиқлол йилларида гўзал миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланмоқда.

Истиқлол шарофатидан халқимизнинг унутилаёзган неча минг йиллик диний ва миллий қадриятларига кенг йўл очиб берилди. Мустабид шўро даврида ман этилган диний ва миллий қадриятларимиз — Наврўз ва Меҳржон байрамлари, Рўза ва Қурбон ҳайитлари, Пайғамбар ёшини нишонлаш, суннат тўйларини ўтказиш, марҳумларни хотирлаш каби азалий удуларимиз тикланмоқда.

Президентимиз фармонлари ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан Наврўз байрами, Ийди Рамазон, Қурбон ҳайити, Мустақиллик, Хотирлаш ва Қадрлаш Кuni умумхалқ байрамлари ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

Истиқлол йилларида қайта тикланган Лечак тўйи, Жой тўйи, Бешик тўйи, Хинаёқар, Эшикочар, 84 ёшлик — 1000 ой тўйи, Мучал тўйи, Аср тўйи (100 ёш), Қовун сайли каби

хоразмликларнинг ўзига хос анъанавий сайл ва байрамлари марокди ўтказилмоқда. Худди шунингдек, бу йил октябр ойида «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигини баланд руҳ, ўзгача шукҳ билан байрам қиламиз. Истиқдол бизга мана шундай улук неъмат, беқидёс имкон, беназир шараф, юксак шаън ва эркин ҳуқуқ ато қилди.

1991-2001 йиллар жараёнида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд аз-Замахшарий, Феруз, Огаҳий каби буюк бобокалонларимизнинг таваллуд тўйлари халқаро ва мамлакат миқёсида нишонлангани ҳам бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Ота-боболаримиз заковатининг боқий ҳайкали бўлмиш «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллик санаси ҳам ана шу эзгу ишнинг мантқиқий давоми бўлиб, буюк тарихимизни англашга, юртдошларимиз қалбида азиз ва гўзал Ватанимиз, машҳур бобокалонларимиз билан фахрланиш туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти қошидаги ЮНЕСКО Маҳкамасининг XXX сессиясида (1999 йил) маъқулланган ҳужжат ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги 110-сонли қарори эълон қилиниши билан кенг кўламдаги тайёргарлик бошланиб кетди. Маънавиятни юксалтириш соҳасидаги ишларнинг бу тарзда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан обрўси тўхтовсиз ошиб боришига замин бўлаяпти.

Юртбошимиз И.Каримов, *«Хоразм — ноёб маданият, нафис санъат юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърят маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири»*, деган эдилар.

Мустақиллик йилларида вилоятимизда 20 дан зиёд боғ ва уй-музейлар яратилди. Жумладан, Жалолиддин Мангуберди боғ-мажмуи, Огаҳий боғи, ал-Хоразмий ва ал-Беруний боғ-музеи, Шерозий, Хожихон Болтаев, Феруз ва Абдулла Қодирий боғлари фикримизнинг далилидир.

Урганч шаҳрининг боҳаво Шовот канали бўйида барпо этилаётган «Авесто» боғ мажмуи эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амалларни тарғибот қиладиган марказ бўлади.

Зеро, «Авесто» китоби — мангу тафаккур Мустақиллик туфайли маънавий бойлигимиз эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф қилинган «Авесто» турли диний қарашдаги инсонлар ёнма-ён яшаши мумкинлигини исботловчи бебаҳо ҳужжатдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний мусулмон олами-маънавий дунёсига қанчалик самарали фойда келтирган бўлса, бугунги ёш авлод онг-шуурига ҳам шунчалик катта таъсир кўрсата олади.

Вилоятимиздаги илм-фан ўчоқлари ва тарбия масканларида миллий-диний қадриятларимизга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида тарихий мавзуларга бағишланган туркум эшиттиришлар ва кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда мақолалар чоп этиш орқали миллий-диний қадриятларимиз мунтазам равишда ёритилмоқда. Истиқлол туфайли аجدодлар уммонидан териб олинган дурлар халқимизни Ватан равнақини таъминлашга ва порлоқ истиқлолни яратишга даъват этмоқда.

*Муҳаммад Саид ҳожи АҲМАДЖОН,
Ўзбекистон Мусулмонлари идораси,
Хоразм вилояти вакили*

ИСТИҚЛОЛ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога (с.а.в.) беадад дурудлар бўлсинким, истиқлолга эришганимизга 10 йил бўляпти. Бу қисқа давр ичида

мамлакатимиз гуллаб-яшнади, дунёга юз тутди, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Миллий, маданий, маънавий ва диний қадриятларимиз халқимизга қайтди. Истиқлолимиз туфайли елкамизга шамол теғди. Биз — мусулмонлар бемалол, ҳеч қандай тазйиқсиз, тўсиқсиз ибодатларимизни адо қилиш имкониятига эга бўлдик. Маънавий ҳаётдаги диний байрамлар, ҳайит кунларининг республика умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очиб берилди. Бу руҳий покланишнинг муҳим кўринишидир. Ижтимоий ҳаётда ислом динининг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун мамлакатимизда дин омилидан тўғри фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 1992 йил 7 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди. Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини тўла адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳар йили Ҳаж ва Умра зиёратига борувчилар учун ҳукумат томонидан катта ёрдам берилиб, кенг қулайликлар яратилмоқда.

Истиқлол туфайли масжид ва мадрасаларимиз сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шўро даврида биргина мадраса диний ходимлар етиштириб берар эди. У Бухоро шаҳрида жойлашган бўлиб, унда 37 миллатта мансуб 50-60 талаба таълим олар эди. Бу ҳар бир иттифокдош республикага 3-4 нафардан талаба тўғри келади, дегани эди. Динимиз шу даражада бўғиб қўйилган эдики, уни тарғиб қилиш қонун йўли билан қаттиқ жазоланарди. Оллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, истиқлолимиз туфайли вилоятимизда 80 дан зиёд масжид ва битта мадраса фаолият кўрсатиб турибди. Диний ходимларимиз ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларида фаол иштирок қилиб келмоқдалар.

Ҳозирги пайтда республикаимизда 2000 дан зиёд масжидлар, 10 дан ортиқ мадрасалар, Ислом олий маъҳади ва Ислом университети мавжуд бўлиб, уларда минглаб талабалар ва диний ходимлар олиму уламолар раҳбарлигида таҳсил олиб келмоқдалар.

Истиқлол йилларида республикаимиздаги барча тарихий

қадамжолар ва зиёратгоҳлар қайта таъмирланиб, халқимиз ихтиёрига топширилди.

Айниқса, истиқлол шарофати билан мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган «Мусҳафи Усмон» бебаҳо ёдгорлигининг мусулмонларга қайтарилиши катта тарихий воқеа бўлди.

1998 йил биринчи майда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни Мустақиллик йилларида динга ва дин аҳлларига эркинликлар яратилганлигидан далолат беради.

Бу қонуннинг ўз вақтида қабул қилинганлигини чин дилдан эътироф қиламиз. Бу қонун диний ташкилотларни ҳуқуқий шахс сифатида ҳимоя қилади ва диний маросим ҳамда урф-одатларнинг ўтказилишини қонун йўли билан кафолатлайди.

Бундай қонун ҳеч бир давлатда бўлган эмас.

Бу қонун динимизнинг софлигини сақлашда, дин ниқоби остида иш кўрувчи баъзи бир қора ниятли ғаламис кимсаларнинг пайини қирқишда, Ватанимиз равиоқини кўра олмаётган, халқимиз осойишталигига раҳна солмоқчи бўлган «Ҳизб-ут-таҳрир», «Ҳизбуллоҳ» каби ўта экстремистик оқимларнинг қора ниятларини фош қилишда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу қонун диний уламоларимизга ислом дини асосларини ёритишга кенг йўл очиб берди. Диний ходимлар радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Халқимизга миллий-диний қадриятларимизни қайтариб беришнинг бош ҳомийси бўлган Ислом Каримовдек доно йўлбошчини ато этган Оллоҳ таолога ҳамду санолар, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога (с.а.в.) беадад дурудлар айтамиз. Тангри таолодан юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги ҳамда давлатимиз мустақиллиги бардавом бўлишини сўраб қоламиз.

Оллоҳ таоло Президентимизни, давлатимиз раҳбарларини ҳамиша ўз паноҳида асрасин! Уларнинг Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин! Омин!

Муҳаббат ЖУМАНИЁЗОВА,
фалсафа фанлари номзоди, Маъмун академияси

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ-ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Истиқлол тилидан, динидан, ўзлигидан айрилаётган халқимизни истибодоз занжирларидан озод этди. Халқимизга ўз маънавий-тарихий илдишлари орқали озуқа олиш имконини берди. Шу пайтгача халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга уринилган қадриятларимиз Мустақиллик шарофати билан қайта тиклана бошланди. Ана шундай қадриятлар жумласига диний қадриятлар ҳам киради.

Маълумки, ислом дунёдаги кўпгина халқлар эътиқод қилувчи илоҳий динлардан биридир. Унинг инсон маънавий камолотида алоҳида ўрни бор. Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, Исломнинг ахлоқий-ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуи — шариат аҳкомлари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган тарбиянинг барча қирраларини ўз ичига олган. Айниқса, уларда, инсон ички дунёсининг шаклланишига, қалби иймон ва диёнат шуурига йўғрилишига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, исломда илм-фанни эгаллаш ва маърифатли бўлиш жуда катта савоб эканлиги қайта-қайта таъкидланади. «Бешикдан то қабргача илм излаш лозимлиги» уқтирилади. Хусусан, маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўплами бўлмиш ҳадисларда бу ўзининг ёрқин ифодасини топган. Улардаги «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишидир», «Илм ибодатдан афзалдир» каби фикрлар таҳлилга муҳтож эмас. Зеро, Қуръони каримда ҳам «илм» сўзи асосида «алима» — «билмоқ» феъл негизи билан боғлиқ калималар 750 марта учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган илк оят ҳам «Икраъ» («Ўқи») деб бошланади. Ислом эътиқоди инсонни аввалбошданок ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англашга тарғиб этади. Олам ва одам моҳиятини англаган чуқур билим соҳибининг иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Ислом, бу — фақат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир.

Мана шу илм, маърифатни ёйишга, ислом маданиятининг шаклланишига ҳамда оламшумул тараққиётга эришишга бизнинг ота-боболаримиз ҳам улкан ҳисса қўшганлар. Жаҳон тарақиётининг қадимий бешиги ҳисобланган Она заминимиздан жуда кўп алломалар етишиб чиққан, рубъи маскун фарзандлари унинг қўйнида ўсиб-улғайиб, камол топганлар. Улар Қуръони каримдан кейинги асосий диний манба, деб эътироф этилувчи ҳадис тўпламларини ёзган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насойй, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ Марвазий, Муҳаммад ибн Башшор ва бошқа юзлаб буюк алломалардир. Уларнинг ўлмас бебаҳо мерослари бугунги кунда қайта тикланмоқда. Бу бебаҳо маънавий меросни ўрганиш, уни халқимизга тўла-тўкис етказиш ишлари давом этмоқда. Исломий кадриятларнинг тикланиши ана шу меросларни чуқур ўрганиш ва уларнинг мазмунига амал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Шундай экан, исломнинг Қуръони карим ва ишончли ҳадисларда акс этган ҳаётбахш ватанпарварлик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби ақидалари миллий истиқлол ғоясининг асосларига ҳамоҳанглиги бежиз эмас.

«Ватанни севмоқ йимондандир» дейилади ҳадиси шарифда. Жонажон Ватанимизнинг бой ўтмиши, бунёдкор бугуни ва порлоқ келажаги бор. Ана шу қадим ва бой ўтмишдан олинган энг эзгу кадриятларни янада ривожлантириб, келгуси авлодларга етказиш — бизнинг фарзандлик ва фуқаролик бурчимиздир.

*Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
«Маънавият ва маърифат» вилоят бўлими раҳбари*

ИСЛОМ ДИНИ ВА МАЪНАВИЯТ

Ислом Ер юзидаги энг ёш ва кенг тарқалган динлардан саналади. Айрим манбаларда ёзилишича, бугунги кунда бу динга турли қитъалардан бир миллиарддан зиёд одам эътиқод қилади.

Ислом дини юзага келган VII асрдан буён турли мазҳаб ва фирқаларга бўлинган бўлса-да, унинг асосини ҳамжиҳатлик, инсонни камолотга етказиш ғоялари ташкил этади. Хусусан, Оллоҳни таниш, ўзликни англаш, ҳаёт мазмунини тушуниб етиш, руҳ ва вужуд парвариши, поклик, ахлоқий етуклик, илм-маърифатга интилиш, шахснинг маънавий камолотини белгиловчи тамойиллар Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда алоҳида ўрин эгаллаган. Халқимизнинг XIV асрлик тарихий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган ислом дини ана шу жиҳатлари билан бугунги кунда ҳам миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан бири сифатида алоҳида эътиборга молик, албатта.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, бой маънавий меросимизга ҳам муносабат ўзгариб, ислом дини, ислом маънавий дунёсидан кенгроқ баҳраманд бўлишга имкон туғилди. Қуръони карим ва ҳадис тўпламларининг ўзбек тилида чоп этилиши ҳақиқий исломдан, ислом маънавиятидан бохабар бўлишимизга имкон туғдирди.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ислом динига ва маънавий дунёсига кенг йўл очилиши, кейинчалик унинг мустаҳкамланиб, халқимиз дилидан жой олиши ҳукуматимиз олиб бораётган одилona сиёсатнинг натижасидир. Буни биз Тошкентда иш бошлаган Ислом Университети, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий Баҳоуддин Нақшбанд каби маънавиятга катта ҳисса қўшган боболаримиз юбилейларининг ўтказилиши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ислом дини асосини Оллоҳни таниш, унинг биру борлигига иймон келтириш ташкил этади. Бунинг моҳияти шундаки, ўзини таниган одам Оллоҳни, Оллоҳни таниган одам оламни танийди. Навоийнинг *«Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам»* мисрасида айнан шу ҳодисага ишора бор. Шоир ва мутафаккир ўзини *«афтодаҳол»* кўрсатиш орқали Оллоҳга кўр-кўрона ишонувчанликка муносабатини ошкор қилади. Демак, Оллоҳни танишдан мақсад, ўзликни англаш, оламни билишдир.

Бунинг учун эса дунёдан ва ундаги билимлардан бохабар бўлмоқ лозим. Бу ғоя Қуръон оятларида алоҳида қайд этилган.

Айнан илм учун фидойиликни Шарқнинг улуг алломалари ҳаётида кўриш мумкин. Жумладан, Ўрта Осиё ва Туркистон заминидан чиққан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий каби буюк алломалар ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар равнақиға улкан ҳисса қўша олишларининг боиси ҳам, қайсидир маънода, ислом дини моҳиятини тўғри англашдан, ўз тақдирини у билан уйғун қура олишдан бўлса ажаб эмас. Исломи дини таъсирида юзага келган «Байт-ул-ҳикма» мадраса-ю масжидлар ўз даврида фозилу фузалоларни бирлаштирган маскан бўлганлиги ҳам динда маърифатпарварлик ғоялари устувор бўлганининг натижасидир.

Инсонни инсон сифатида тан олиш, ҳурматини жойига қўйиш, ҳамжихатлик, биродарлик туйғулари, ўзаро аҳиллик, меҳр-муҳаббат кўрсата билиш шахс маънавиятини белгилловчи хусусиятлардандир. Исломи динида айнан шу сифатларга кенг эътибор берилади.

Исломи дини энг ёш дин сифатида ўзидан олдинги динлардаги инсонни маънавий камолот сари етакловчи қадриятларни давом эттирган ва ривожлантирган. Жумладан, ҳалол ризқ, эзгу ният, эзгу амал, хуш ахлоқ, пок виждон ва соф иймон-этиқод фазилатлар комил инсонга хосдир.

Исломи дини шахсни тарбиялаш, маънавий ва ахлоқий юксакликка даъват этиш билан бир қаторда, уни ёмонликлардан қайтаришларга ҳам ундовчи хусусиятлари билан ажралиб туради. Бадҳоҳлик, манфаатпарастлик, манманлик, бераҳмлик ва бешафқатлик каби хусусиятлар одамни иймондан айиргувчи зарарли одатлар сифатида қаттиқ қораланади. Исломи диниға бағрикенглик, раҳмдиллик хосдир. Айнан шу билан ҳам у бошқа динлар орасида алоҳида мавқеъ тутати. Яъни, адашган, хато иш қилган кимсаға хатосини тузатишға, тўғри йўлга киришға имкон берилади. Айнан ана шу хусусият Исломининг тарбиявий аҳамиятини кучайтиради. Одамлар ўртасиға нифоқ, солувчи иккиюзламачи, хиёнаткор бандаларға эса кечирилмас гуноҳға дохил кишилар сифатида баҳо берилади.

Исломи маънавияти миллий маънавиятимизнинг ажралмас бўлаги эканлиги ҳукуматимиз қабул қилган қарор ва

фармойишларида ўз ифодасини топган. 9 май — «Хотира ва Қадрлаш куни» деб, 31 август — шаҳид қатағонларини ёд этиш куни деб, эълон қилиниши бунинг далилидир.

Ислом дини ота-боболаримиз эътиқол қилиб келган муқаддас қадрият, улкан тарихий мерос, аجدодларнинг узоқ йиллик ҳаёти, тажрибаси, ўй-фикри, орзу-хаёли, яшашдан маъно ва мақсади акс этган бу юк қадрият сифатида ғоят муҳимдир.

*Шарқия ЭШЖОНОВА,
журналист*

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР...

(Тўмарис издошлари)

Донишманд алломалар, шоиру саркардалар, ҳатто пайғамбарларнинг бешигини тебратган, уларга алла айтган, тарбиялаб вояга етказган, оқ кийдириб, оқ тараган меҳрибон мунис оналар ҳақидаги дoston ва ғазалларнинг ҳисоб-китоби бўлмаса керак. Уларда Тўмарисдан тортиб то Нодира-ю Ожизанинг ўз ватанига, эл-юртига бўлган меҳр-муҳаббати васф этилган.

Тўмарис ва унинг бутунги издошлари ҳақида сўзлашдан олдин бундан 2700 йил аввал яратилган «Авесто»да мадҳ этилган Анахита Онакут (Гулдурмомо) ҳақида айтиб ўтиш ўринли бўларди. Негаки, Ардвисура-Анахита нафақат осмону фалақда учиб юрадиган маъбуда, балки ер-сув ва унумдорлик пешвоси гўзал, бақувват, хушқомат, камарини маҳкам боғлаган гўзал аёл сиймосидир. Бир сўз билан айтганда, қуёшли Хоразм диёрининг яратувчиси — Амударё маъбудасидир. Бу ҳақда «Авесто»нинг «Атхар ва веда» (IV китоб, 109-бет) қисмида мадҳ этилган ушбу қўшиқни эслаш кифоя:

Сен дарё қизисан
Момоғуддурранинг сафсари,
Шамол-нафасинг,
Қуёш кўзларинг,
Осмон кўкрагинг...
... Сен девларга аёвсиз
Ўз лафзингга содиқсан.

Тўмарис ҳам худди мана шу қуёшли замин фарзанди. У Аму бўйларида «Авесто» яратилганидан салкам 2 аср кейин яшаб ўтган шижоат ва жасоратда, гўзаллик ва нафосатда Анахитадек тенгсиз гўзал аёл ҳисобланган.

Дарҳақиқат, эрамиздан аввалги IV-XI асрларда яшаб ўтган Юнон ва Рим тарихчилари Ҳеродот, Фотий, Арриан, Диодор, Страбон, Курций, Еврипид, Марк Лициний ва бошқалар Оксус (Аму) дарёси қабилаларида эркаклардан қолишмайдиган аёллар — «Совут кийган амазонка» (сувора қизлар), «Олтин жабдуқли чавандоз аёллар», «Вақҳ қизлар», «Қирқ қизлар» сардори Тўмарис, Зарина исмли саркарда ва маликалар борлигини ёзиб қолдирганлар.

Тўмарис бундан қарийб 2550 йиллар аввал яшаб ўтган ўзбек аёлларининг ёрқин тимсолидир. У Амударё этакларида яшаган сак-массагетлар қабиласининг жасур (тумор таққан саркарда) йўлбошчиси бўлган. У ўз элининг баҳодир ўғлонлари, жондан суюкли ўғли Сипарангизнинг хуни учун аҳмонийлар подшоси Кайхусравнинг (Кир II) бошини кестан қўрқмас, мард ва жасур аёл-онадир.

Массагетлар маликаси Тўмарис ҳусн-жамолининг шуҳратини ешитган аҳмонийлар подшоси Кайхусрав унинг васлига етиш илнжида ҳамда массагетлар ери ва бойлигини қўлга киритиш мақсадида Амударё томон қараб юриш бошлайди. Кайхусрав ўз ниятини яшириш мақсадида ушбу юришдан сал олдинроқ Тўмарисга ошиқу шайдолигини рўкач қилиб совчи юборади. Малика унинг совғаларини ўзига қайтариб юбориб, совчига ушбу сўзларни тайинлаб юборади: *«Подшоҳингга бориб айтгилки, мен унга хотин, яъни унинг таъбирича қул бўлмайман. Менинг халқим эркинликка ўрганган. Халқимнинг бахт-*

саодати менинг бахтимдир. Шундай экан, мен халқимнинг осойишталиги ва шодлиги учун ҳар қандай қийинчиликлар бўлса ҳам жонимни беришга доимо тайёрман. Шоҳингга бориб яна шунини айтгилки, мен у билан кенг гулзорда изҳори дил айтиб эмас, балки жанг майдонига қилич билан учрашаман».

Бундай дангал жавобдан дарғазаб бўлган Эрон шоҳи маликага қарши уруш қилиш учун йўлга чиқади. У бош саркардаси Крез билан унинг ўғли баҳодир Сипарангизни бир гуруҳ баҳодирлари билан ҳийла ишлатиб, май ичириб, тузоққа илтиради. Кейин у маст бўлиб ҳушидан кетган Сипарангиздан бошқа ҳамма баҳодир ўғлонларни қиличдан ўтказади. Эртаси куни ҳушига келган Сипарангиз ҳам бу шармандали ҳолатга чидамасдан, ўзини ўзи найза билан ҳалок қилади.

Ўз юртининг шунча баҳодир ўғлонлари ва жигаргўшаси Сипарангизнинг ҳалокатидан хабар топган Тўмарис қолган массагет қўшинлари билан Эрон шоҳи устига бостириб бориб, қилич билан Кайхусравнинг бошини танасидан жудо қилиб, шундай хитоб қилади:

«Эй қонхўр Кур! Сен тириклигингга одамлар қонига тўймасдан яшадинг... Ол, энди, ушбу мешдаги қонлардан тўйгунигча ичиб ётавер!...» Жасоратли Тўмарис ана шу тариқа ёвни баратарф этган, барча ҳавас қилган афсонавий қаҳрамон эди.

Ушбу афсона оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб Эллада (Юнон)гача етиб борган ва минглаб шаҳзода ва маликалар учун намуна бўлган. Ҳеч шубҳа йўқки, Миср маликаси Клеопатра, рус подшоси Ионна Елизавета, Ҳиндистон бош министри Индира Ганди ўз даврида Тўмарислардан илҳом олганлар.

Аёлни қанчалик мадҳ этмайлик барибир оз, кўнглимиз тўлмагандек бўлаверади. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий қурилиш, мактаб ва маориф, тиббиёт ва санъат соҳасидаги ўрни беқиёс каттадир. Бунга юзлаб-минглаб мисоллар келтириш мумкин. Шўро йилларида аёлларни – қизлик ифпати-оналик бахтига монелик қиладиган воқеалар озмунча бўлмаган. Бунга хотин-қизларнинг «Турсунойчилик ҳаракати» ёки «Хужум» кампаниясидаги фожиали воқеаларни мисол қилиб кўрсатиш лозим.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: 10-12 соатлаб дала-қирда машина

штурвалида ўтирган аёл уйига келиб оналик вазифасини қандай бажара олади? Бунга чинозлик Турсуной Охунова ёки хивалик Норжон Машариповага ўхшаган аёлларимизнинг 40-45 ёшга ҳам етмай, фарзанд кўрмай, оналик бахтини туймай, ҳаёт билан видолашганини қандай баҳолаш мумкин?

20-30 йилларда «Ҳужум» кампанияси Марказий Осиёда, айниқса, Хоразмда оғир оқибатларга олиб келганлигини тилга олмасликнинг иложи йўқ. Келинг, шу ҳақда бироз тўхталиб ўтайлик.

Воҳада илк бора хотин-қизлар билан ишлашга журъат этганлардан бири Марям Султонмуродова бўлган. У Хоразмда ўрнатилган муваққат ҳукумат раиси, Жумҳурият Ички Ишлар вазири Жуманиёз Султонмуродовнинг қизи эди. Марямжон дугона-сафдошлари Хайрулбанот Сайдошева ва Онажон Собировалар билан воҳа хотин-қизлари фаолиятини ривожлантириш учун илк қалдирғоч сифатида майдонга чиқиб, хотин-қизлар билан кенг фаолият кўрсатди.

1922 йилнинг октябр ойида Туркистон Марказқўми қошидаги Хоразм Жумҳурияти вакили йўлланмаси билан Германияга ўқишга жўнатилди. М. Султонмуродова 6 йил Берлинда ўқиб келди ва жумҳурият хотин-қизларининг маданий ва маърифий ҳаётини яхшилаш мақсадида «Ёрқин турмуш» («Саодат») ва «Гулистон» ойнومаларида адабий ходим ва таржимон бўлиб ишлаган. Бироқ у 1937 йилда атоқли ўзбек адиблари Усмон Носир, Абдулла Қодирийлар қаторида халқ душмани деб гумонланиб, Германия «жосуси» деб ноҳақ Сибир ўрмонларига сургун қилинган.

1954 йилда озодликка чиқиб, қишлоғига қайтиб келган М. Султонмуродова ўз юртида рўшнолик кўрмаган. Журналистик касбини давом эттиролмасдан, ўзи тугилиб ўсган Урганч туманидаги Чондирқиёт ва Қорамон қишлоқларида ҳамшира-шифокор бўлиб ишлаган. Бироқ, унга нисбатан қилинган ноҳақлик вафотидан кейин, мустақиллик шарофати туфайли, рўёбга чиқиб, у қолдирган адабий мерос ўрганилмоқди, унинг хотира кечалари ўтказилди. У ҳақда ёзилган мақола ва китоблар чоп этилди.

XX асрнинг биринчи ярми ва ундан сўнг Ўзбекистонда етишиб

чиққан донгдор аёллар О. Дўсова, Ожиза, Марям Ёқубова, Лола Абдуллаева, Пошша Маҳмудова, Хайрулбанот Сайдошева, Мунаввара Солаева, Роза Иброҳимова, Раҳима Худойберганова, Ойбиби Худойберганова, Ленинза Асқарова каби юзлаб, балким минглаб аёллар Тўмарис ва Марям Султонмуродовалар изидан бориб, эл-юрт бахт-саодати ва равнақи учун фидойи меҳнат қилганлар.

Мустақиллик шарофатидан хотин-қизлар, айниқса, болали аёлларга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳар қачонгидан ҳам зиёда бўлмоқда. Уларга берилган имтиёзлар, оналик ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақидаги қонунлар том маънода янгилик бўлиб, айтиш мумкинки, ўзбек аёли учун бахт-саодат эшиклари очилди.

Мамлакатимизда Соғлом авлод давлат дастурининг қабул этилиши, «Соғлом авлод», «Болалар», «Умид» жамғармаларининг фаолият кўрсатаётганлиги, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси, Хива шаҳар-туманида «Аёллар маркази»нинг ишлаб туриши хотин-қизлар, аёлларимиз учун беқиёс қулайликлар ҳисобланади.

«Гурунч курмаксиз бўлмаганидек», ҳамма жойда ҳам хотин-қизлар кенгашлари ва маҳалла аҳллари қўлни-қўлга бериб фаол ишлаётибдилар, деб бўлмайди. Орамизда ўз Ватанини, қариндош-уруғларини 50-100 долларга сотиб, чет элларга кетиб қолган ёки гиёҳвандлик, фоҳишалик кўчасида адашиб, Тўмарис авлодлари деган муборак номга доғ тушираётган аёллар ҳам, оз бўлса-да, учраб туради. Ўйлаймизки, хотин-қизлар кенгашлари, жамоат ташкилотлари бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни кучайтирадилар. Токи ҳар бир она, хотин-қиз давримизнинг Тўмариси бўлсин, эл-юрт бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилсин, истиқлолимизнинг фаол фидойисига айланиб, ўзбек аёли деган улуг ва муқаддас номга яраша бутун мамлакат хотин-қизларига ибрат-намуна бўлсин. Зеро, ўзбек аёли ҳамиша муқаддас ва мўътабар бўлиб, дунёни тебратиб келган.

ДУНЁНИ ТЕБРАТАСИЗ

Агар бугун сиз ҳақда куйлар бўлсам завқланиб,
Қўшиғим жарангидан торлар синиб кеттайдир.
Мудраган юракларни шу мастона кўзингиз,
Оташларда ёндириб, бағрин пора эттайдир.
Сиз дилбарсиз, гўзалсиз, назокатли аёлсиз.

Айланай бўйингиздан бунча барносиз ҳай-ҳай,
Аслида ҳаёт ўзи сиздан олган сеҳрни,
Қалбингиз гўё мудом қуёшга талпингандай,
Бағри кенгсиз, муниссиз, мудом бирдай меҳрли,
Сиз онасиз тенги йўқ, нафосатли аёлсиз.

Қучиб оппоқ тонгларни алла айтиб куйлайсиз,
Гўёки бешиқнимас, тебратасиз дунёни.
Муаззам сайёранинг тинчлигини ўйлайсиз,
Гўдагингиз кулишидан, қувнашидан қувониб,
Бахти бекам париваш, шафоатли аёлсиз.

Афсус, баъзан хаёллар кезиб юргай сарсари,
Ахир аёл номини топтаганлар йўқ эмас,
Сиз барибир буюксиз, сиз барибир ардоқли,
Жўшқин дарё мавжига тўсиқ бўлмас хору хас,
Дил қўрида сабот жам, фазилатли аёлсиз.

Дориламон кун келди, толеингиз тонгдай оқ,
Муҳаббат, садоқатнинг қасрида яйраб-яшнанг,
Сиз келажак онаси, сиз уфқларга интизор,
Хур Ватаннинг иқболи, истиқболина ташна,
Сиз Шарқия назмида латофатли аёлсиз,
Омон бўлинг, бор бўлинг, саодатли аёл СИЗ!

Гулором МАШАРИПОВА,
тарих фанлар номзоди, доцент
Азамат АТАЕВ,
аспирант, Маъмун академияси

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТИ

Мустабид тузум даврида таҳқирланган Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Нажмиддин Кубро, Жалолуддин Мангуберди, Амир Темур каби юзлаб улуг аждодларимизнинг табаррук номлари ва мероси мустақиллик туфайли қайта тикланди. Ана шулардан бири — Имом ал-Бухорийдир (194/810 — 256/870). Унинг таржимаи ҳоли ва мероси Истиқлол йилларида нашр этилган тадқиқот, рисола ва мақолаларда атрофлича ёритилган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ул зот ўткир зеҳли, шижоатли, зоҳид, тақводор ва саҳий инсон бўлган, китобга бир назар ташлаб, уни ёд олган. Ҳижоз, Шом, Миср, Жазира, Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилиб, пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларини тўплаганлар. Шу боис замондошлари ва ўзидан кейинги ўтган уламоларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Жумладан, Имом Аҳмад (раҳимаҳуллоҳ) айтардилар: *«Хуросондан ал-Бухорийга ўхшаш олим чиқмади»*. Ибн Хузайма айтадилар: *«Осмон гумбази остида Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан кўра кўпроқ билгувчи ва ёд олган киши йўқ. У киши фикҳ илмида мужтаҳид ва ҳадисларни истинбот қилишда (ҳукм учун ажратиб олиш) ажойиб, нозик диг-эътиборли инсон эдилар»*.

Имом ал-Бухорий бу тўпламни Пайғамбаримизга нисбат берилган 600 минг ҳадис ичидан ажратиб олган ва 16 йил давомида ёзиб тугатган. Кейин уни Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Муъийн, Али Ибн ул-Мадиний ва бошқаларга кўрсатганлар. Ҳаммалари бир овоздан таҳсин айтиб, унинг саҳиҳ (ҳақиқатан ҳам ишонарли, тўғри) эканлигига гувоҳлик берганлар. Ҳофиз аз-Заҳабий уни — *«Бу китоб ислом китобларининг энг буюғи ва*

Оллоҳ таолонинг (нозил қилган) китоби Қуръондан кейинги энг афзал китобдир» — деб таърифлаган. Унда такрорланиб келадиган ҳадислар сони 7397 та бўлса, такрорланмасдан келган ҳадислар сони 2602 тани ташкил қилади. Буни Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ таҳлил қилган, текшириб кўрган¹.

Имом ал-Бухорийнинг «Ишончли тўплам»и бизга нодир мерос сифатида етиб келган ва нашр қилинган². Ушбу тўплам миллий-диний қадриятларимизни халқимизга қайтарилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. 1998 йил октябр ойида Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигининг Вазирлар Маҳкамаси Қарорига мувофиқ тантанали нишонланиши, Президентимизнинг Фармониға мувофиқ Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасига асос солиниши ва «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг нашр этилиши ушбу табаррук меросни ўрганиш ва тарғиб этишга давлатимиз томонидан берилаётган катта эътиборнинг ёрқин намунаси ва Мустақиллик берган буюк неъматдир.

¹ Юқоридаги маълумотлар Муҳаммад Солиҳ ул-Усаймийн қаламиға мансуб бўлган «Мусталаҳ ул-ҳадис» китобидан таржима қилинди.

² Ҳадис. Ал-Жомийъ ас-Саҳийҳ (Ишончли тўплам). I-IV жилдлар. Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент, 1997й.

*Гулором МАШАРИПОВА,
тарих фанлар номзоди, доцент,
Ҳамидуллоҳ АМИНОВ,
аспирант, Маъмун академияси*

«АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ»НИНГ БИР ШАРҲИ ҲАҚИДА

Мустақиллик маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлишга, аждодларимизнинг ҳикматларга бой асарларини

ўрганишга имкон берди. Ана шундай асарлардан бири — аҳли мусулмон кўзига суриб эъзозлайдиган ва Қуръондан кейинги мўътабар манба деб қадрлайдиган Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» тўпламидир. Бинобарин, бу асар ёзилганидан буён унга жуда кўплаб шарҳлар ёзилган. Шундай шарҳлардан бири «Иршод ус-сорий ли шарҳи саҳиҳи-л-Бухорий» («Саҳиҳи Бухорийга сайр қилгувчи учун йўлланма») деб аталади.

Мазкур шарҳни аллома Аҳмад Қасталоний ёзган. Унинг тўлиқ исми — Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулмалик ибн Аҳмад ал-Қасталоний ал-Қоҳирий (851/1449-923/1521). У «Мавоҳиб ул-ладуниййа», «Латойиф-ул-ишорат», «Шарҳи Шотибиййа» сингари ўнлаб дурдона асарларни ёзиб қолдирган. Улардан энг муҳими, шубҳасиз, «Саҳиҳи Бухорий»га ёзилган шарҳдир.

«Иршод ус-сорий»нинг Миср, Ливан ва Ҳиндистонда қайта-қайта чоп қилиниши ушбу шарҳнинг толиби илмлар орасида юксак эъзозланганлигидан далолат беради. Асарнинг Мисрда чоп қилинган бир нусхаси Хоразм Маъмун Академиясида сақланади. У ўн жилддан иборат. Асарда ибораларнинг қисқа, аммо мукамал шарҳланган ҳолда келтирилиши уни машҳур қилган сабаблардан биридир. Айрим ўринларда фикҳий масалаларга тааллуқли ҳадислар анча кенгроқ шарҳланган. Мазҳаб соҳибларининг фикрлари келтирилган.

Асарнинг тўққизинчи жилди одоб-ахлоққа оид ҳадислар шарҳига бағишланган. Жумладан, «Саҳиҳи Бухорий»да келган бир ҳадисни Қасталоний шундай шарҳлайди: «Пайғамбардан (с.а.в.) шундай ривоят қилинди, у шундай деди: «Албатта, Оллоҳ таоло сизларга оналарга оқ бўлишни ҳаром қилади (яъни оқсиндириш маъносидadır. Демак, у ота-онанинг итоатини синдиришдир. Ҳадисда оталар тилга олинмасдан оналар зикр қилинди, чунки уларга оқ бўлиш ўта қабоҳатдир ёки оналар кўпроқ ожизалар). Яна сизларга қизларни қабрга тириклайин кўмишни ҳаром қилди (чунки у наслни кесиш ва оламнинг хароблигига сабабдир. Қизини тириклайин кўмган биринчи шахс Қайс ибн Осим ат-Тамимийдир).

Оллоҳ сизларнинг кўп гапиришингизни ёмон кўради (яъни у мажлисларда кўп гапирадиган, гапининг ҳақиқатини, тўғри-

нотўғрилигини суриштирмай эшитганини гапирадиган ёки ғийбатга, чақимчиликка олиб борадиган сўзларни сўзлайдиган кимсалардир. Лекин ҳақиқатни билиб, ишончли одамдан эшитиб, ёмонликка олиб бормайдиган сўзларни гапирадиган одам бу ерда ёмонланаётгани йўқ). Яна Оллоҳ сизларнинг кўп сўрашингизни ҳамда кўп молни зое қиладиганингизни ҳам ёқтирмайди (яъни Пайғамбар (с.а.в.) ҳожати йўқ нарсаларни ҳам сўрайверишдан ёки илмда бировни синаб сўрашдан ёки одамларнинг ички сирларини суриштиришдан қайтаряптилар. Молни зое қилиш эса шариат изн бермайдиган ерга сарфлашдир. Чунки мол одамларга яхшилик қилиш учун берилган, исроф қилиш учун эмас). Ушбу иборалардан кўриняптики, аллома Қасталоний шарҳини илмий ўрганиш «Саҳиҳи Бухорий»ни чуқурроқ тушуниш ва мукамалроқ билишда муҳим манбадир.

*Мағраҳим МАҲМУДОВ,
тарих фанлари доктори, профессор*

УЛУҒ АЛЛОМА МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ВА УНГА ЗАМОНДОШ ОЛИМЛАР

Буюк қомусий арабшунос олим Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад Жоруллоҳ аз-Замахшарий 1075 йилнинг 19 мартда Хоразмнинг йирик қишлоқларидан бири — Замахшарда таваллуд топган. Ёшлигида томдан йиқилиб ногирон бўлган Маҳмуд бир умр ёғочдан ясалган оёқ билан юрган. Аммо, шунга қарамасдан, ўта ҳаракатчан ва зийрак бўлган Маҳмуд яхши савод чиқарган ҳамда дастлабки таълимни отаси Умар ибн Аҳмаддан олган. Илм-маърифатга ўта чанқоқлиги сабабли Маҳмуд дастлаб Гурганждаги машҳур олимлардан бири — Абу Музаффар аз-Заббий Исфаҳонийга шогирд тушган. Кейинги йилларда эса у Бухоро ва Бағдод мадрасаларида шайхулислом Абу Мансур Наср ал-

Ҳорисий, Абу Саъд аш-Шакконий ва Абул Ҳатаб ибн Абул Батар сингари олимлардан сабоқ олган.

Хуросон ва Исфажонда яшаган вақтида салжуклар ҳукмдори Маликшоҳ ва унинг вазири Низомулмулк хизматида бўлган. Хоразмда Ануштагинийлар сулоласининг дастлабки ҳукмдори Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад ибн Ануш Тагин (1097–1127) даврида она юртига қайтган. Оғир касалликдан соғайгач, 1118 йилда яна илм-фан билан шуғулланиш мақсадида Марв, Нишопур, Исфажон, Бағдод, Дамашқ, Маккада бўлган. Мусулмон дунёсининг муқаддас шаҳри Макка ҳокими Абулҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваққос ас-Сулаймоний кўрсатган илтифот ва ёрдам туфайли шариатнинг қонун-қоидаларини мукаммал ўрганиш имкониятига эга бўлган.

Аз-Замахшарийнинг илм-фан соҳасидаги шуҳрати ортиб, уламолар унга «Устод ал-араб ва ажам» («Араб ва ажамликлар устози»), «Ал-Наҳавий», «Ал-Луғавий», унвонларини берганлар. Маккадаги «Оллоҳнинг уйи» деб танилган машҳур Каъбатуллоҳ масжиди яқинида яшаганлиги ва ўта билимдонлиги билан тан олинганлиги боис уни «Жоруллоҳ», яъни, «Оллоҳнинг қўшниси» деб ҳам аташган.

Маккадаги беш ярим йиллик ҳаёти даврида аз-Замахшарий ўзининг энг йирик илмий асари — «ал-Кашшоф ан ҳақойиқ ит-танзийа ва уйун ил аҳавийс ви-вужух ит-таъвийл» («Қуръондаги пинҳоний ҳақиқатлар ва уларни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзини очқич») китобини ёзган. Аз-Замахшарий «Қуръони карим» яратилгандан кейинги йиллар давомида бу муқаддас китобдаги илоҳий сўзларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш қийинлигини ҳисобга олган ҳолда чуқур тадқиқотлар олиб борган. Натижада «Қуръон»ни тил нуқтаи назаридан изоҳлашга бағишланган ва «ал-Кашшоф» («Аён қилувчи») номи билан маълум бу китоб арабларнинг ўз тарихи ва маданиятини ўрганишлари учун муҳим аҳамият касб этган. Шу боисдан ҳам «хоразмлик аз-Замахшарий бўлмаганда, араблар ўз ўтмиш маданиятини билмасдан, саводсиз бўлиб қолардилар», деган юксак эътироф юзага келган.

Хоразмга қайтиб, умрининг охиригача илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланган олим «Асос-ул-балоға» («Нотиклик

асослари»), «Ал-фоиқ фи ғариб-ил ҳадис» («Ҳадислардаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи»), «Китоб ал-амкина вал-жибол вал-мийоҳ» («Жойлар, тоғлар ва дарёлар ҳақида китоб»), «Китобу асмоил-адвия вал-жибол» («Дори-дармон ва тоғлар номлари ҳақида китоб»), «Муқаддимат-ул-адаб» («Нафис адабиётга кириш»), «Навобиг-ул-калим» («Нозик иборалар»), «Атвоқ аз-заҳаб вал-хутаб» («Ўғит ва насиҳатлар ҳақида олтин шодалар»), «Ал-Мустақо фи амсолил-араб» («Араб мақолларини чуқур ўргатувчи»), «Ал-Кутос фил-аруз» («Аруз вазни ўлчови»), «Девони аз-Замахшарий» («Замахшарий девони»), «Мақомот аз-Замахшарий» («Замахшарий мақомлари») каби 80 дан ортиқ нодир асарларни ёзган. Ўзининг «Ал-Мустақо фи амсолил-араб» («Араб мақолларини ниҳоясига етказувчи») асарида уч ярим мингга яқин мақолни алифбо тартибида берган. Аз-Замахшарийнинг бебаҳолиги билан жуда катта шухрат қозонган асарлари ҳозиргача араб мамлакатлари ўқув юртларида (Мисрдаги Ал-Азҳар ва Айн Шамс университетларида) чуқур ўрганилади.

Аз-Замахшарий жуда кўплаб истеъдодли шогирдлар тайёрлаган. Улар орасида Умар ибн Ҳасан, Исроил ибн Абдуллоҳ, Абдурахим ибн Абдуллоҳ, Аҳмад ибн Маҳмуд каби машҳур олимлар бўлган. Олимнинг энг кучли шогирдларидан бири Абул Муъаййид ал-Муваффақ ибн Аҳмад ал-Маккий (в. 1172, Гурганж) бўлиб, устози каби, араб тилини жуда яхши билган ва ислом тарихи бўйича асарлар ёзган. Хоразмшоҳлар Абдулмузаффар Отсиз ва Абулфатҳ Эл-Арслон даврида фаолият кўрсатган бу мударрис, шоир ва олим «Ахтаб Хваразм» («Хоразмнинг энг кучли сўз устаси»), «Садр-ул-имом» («Имомлар сардори») унвонларини олиш шарафига муяссар бўлган.

Аз-Замахшарий ўз замондошлари бўлган жуда кўплаб олиму фозиллар билан ҳамкорлик қилган ва уларнинг ижодий фаолиятига катта таъсир ўтказган. Улуғ олим билан мулоқот қилиш шарафига муяссар бўлган машҳур Рашидуддин ал-Ватвот (1114-1182) ўзининг «Ар-Расойил» («Мактублар») китобида қуйидаги фикрларни баён этган: *«Устоз билан ўртамизда, унинг ижодий фаолияти даврида ҳам, роҳатда бўлган вақтларида ҳам адабиётнинг турли жиҳатлари ва араб илмларининг ҳар хил*

масалаларига оид ҳисоб-китоби йўқ, кўпдан-кўп ва узундан-узоқ илмий мазмундаги суҳбатлар бўлган. Шу суҳбатлар чоғида устоз менинг сўзларимга диққат билан қулоқ тутар ва мен кўтарган масалаларга ғоятда эътибор билан қараб, кўпинча уларни маъқуллабди. Чунончи, мунозара чоғида ҳақиқатга амал қилишлик унинг саодатли ишларидан эди. Кейин у ўзи маъқул топган масалаларни яна бирин-кетин санаб чиқарди... Устознинг гўзал фазилатларидан ушбу арзимас бир мисолни ёшларни воқиф қилиш ниятида келтирдим. Чиндан ҳам бу инсон, ғарчанд барча билимларни тўла эгаллаган ва жами воқеаларнинг соҳиби бўлатуриб, ҳақиқатнинг аччиқлигидан, ҳалолу покликнинг қайноқ ва ҳароратига қарамасдан, ўта сабр-тоқатли киши эди. Башарти ўзига зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутарди».

Аз-Замахшарий билан замондош бўлган олимлар орасида ислом қонуншунослиги билимдонларидан бири Аҳмад ибн Муҳаммад Мувофуқиддин Хатиб ал-Хоразмий (1078-1162) бўлган. Аҳмад ал-Хоразмий араб тилини устози аз-Замахшарийдан ўрганган. Ҳафтанинг жума кунлари, рўза ва қурбон ҳайитлари маросимларида масжидларда хутба ўқилган. Ўз навбатида, Аҳмад ал-Хоразмий «ал-Хатиб», яъни хутба ўқишга уста дин арбоби сифатида тан олинган.

Фикҳ илмининг Хоразмдаги билимдонларидан яна бири ал-Қосим ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Мажиддин Хоразмий ан-Наҳавий бўлган. Билимдонлиги сабабли уни «Садр-ул-афозил», яъни «Фозиллар сардори» деб аташган. Унга аср алломаларидан бири — Абулҳайал Лакнавий ўзининг «Салот-ул-Бағия» асарида «Садр-ул-афозил адолатпарвар ва ҳалол одам. Арабшунослиқда унга тенг келадиган олим йўқ. У бахт-саодатга тўла эришган инсон бўлган. Қобилиятли шоир ва астрономия фани билимдони ҳисобланган», деб ёзади. Илм чўққиларини эгаллаган ал-Қосим устози Замахшарийнинг «Ал-Муфасссал» китобига шарҳ сифатида «Ат-Тажмиъ» («Тўплам») ва «Ал-Мақомот» китобига («Изоҳ ал-Мақомот») деган асарлар ёзган.

Аз-Замахшарий замонасида «садр», яъни сардор, имом унвонини олган ва «Саккокий» тахаллуси билан ижод қилган яна бир олим — Юсуф ал-Хоразмий (1160-1229) эди. Асли Хазораспнинг Пичоқчи қишлоғидан бўлган, бу йирик аллома

кўйлаб фанлардан хабардор бўлгани сабабли «Садр-ул-аллома» («Алломалар сардори») унвонини олган. Ўнинг «Мафотиҳ-ул-улум» («Илмлар калити») номли қомусий асарида адабиётнинг тил, луғат, аруз, шеър, қофия каби турли соҳалари ҳақида маълумотлар берилган. Замондошлари уни самовий жисмлар ҳаракатларини ўзгартириш, нафаси билан сув тошқинларини тўхтатишга қобилияти бор бўлган ўткир нафасли улуғ пир деб ҳисоблаганлар.

Аз-Замахшарий замондошларидан яна бири — Бухоро ва Журжонда таълим олган ҳамда Хоразмда ижод қилган тилшунос олим Абулҳасан Али ибн Аррақ ас-Саннари (в. 1143 й.) эди. Хоразмшоҳ Отсиз даврида «Шамариъ уд-дурар фи тафсир-ил-Қуръон» («Қуръоннинг шарҳига доир жавоҳирлар шодаси») номли асар ёзган ас-Саннари устоз аз-Замахшарийнинг мақтовларига сазовор бўлган.

Ўрта аср олимларидан Абдусамад Муҳаммад Самъоний (в. 562/1166 й.) ўзининг «Китоб-ул-ансоб» («Насабнома китоби»), Ёқут Ҳамавий (1179-1229) «Иршод-ул-ариб ила маърифатил-адиб» («Адиб билан танишиш учун кўрсатма»), мисрлик олим Жамолиддин Кифтий (1167-1249) адабиётта оид китобларида аз-Замахшарийни ўз замонаси олимларининг имоми (пешвоси) бўлганини таъкидлаганлар.

Маҳмуд аз-Замахшарий 1144 йилнинг 13 июлида Хоразмнинг пойтахти Гурганж шаҳрида вафот қилган. 1333 йилда Гурганжда бўлган машҳур сайёҳ Ибн Баттутанинг (1303-1378) таъкидлашича, аз-Замахшарийнинг қабри шаҳар ташқарисида бўлиб, устига қубба ўрнатилган экан.

Аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва ижодини Крачковский, Кримский, Боровков каби рус шарқшунослари, М. Сальверди де-Граве, Броккелман, Бенцинг, Гольдцер, Гельдеке, Райт ва Зайончковский сингари Европа олимлари, Фозил Аҳмад Муҳаммад Ҳуфий ва Таҳа Ҳусайн (1889-1973, Миср), Солиҳ ас-Самарраий, Иброҳим ас-Самарраий (Ироқ), Муртазо Оятилло аш-Шерозий (Эрон), Ҳинд Ҳусайн Тоҳа (Фаластин), Заки Валидий Тўғон, Муҳаммад Козимбек (Туркия) чуқур ўрганганлар. Мазкур савоб ишга ўзбек олимларидан филология фанлари докторлари, профессорлар Исматулла Абдуллаев, Алибек

Рустамов, Солий Ҳасанов, филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов, педагогика фанлари номзоди Мадирим Жуманиёзов, истеъдодли шоир ва ёзувчи Эркин Мадраҳимов муносиб ҳисса қўшганлар.

Хивадаги мусулмон маданияти мадрасасига Маҳмуд аз-Замахшарий номи берилган. Мустақиллик шарофати билан 1995 йил ноябрида олим таваллудининг 920 йиллиги Хоразм вилояти ва республиканинг бошқа ҳудудларида кенг нишонланди. Буюк юртдошимиз аз-Замахшарийнинг руҳи-поклари шод бўлиб, унинг ибратли ғоялари авлодлар қалбида янада чуқур ўрин олмоқда.

*Мадраҳим САФАРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент,
ал-Хоразмий номли Урганч давлат университети*

ЗАМАХШАРИЙ ВА УНИНГ ИСЛОМ ФАЛСАФАСИДАГИ ЎРНИ

Истиқлол туфайли биз ўзимизни янгидан «кашф» эта бошладик. Чунки илм — ўзни билмақдир. Мустақиллик тафаккури миллий қадриятларимизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Республикамиз миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг муҳим омилларида бири — маънавий меросимиз эканлиги шубҳасиздир. Миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари сифатида илгари сурилаётган Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллий тотувлик, диний бағрикенглик, меҳр-оқибат, адолат каби қадриятлар ўтмиш мутафаккирлари томонидан юксак даражада ривожлантирилган.

Маънавиятимизнинг теран томирларидан бири — ўрта аср Шарқининг машҳур алломаси аз-Замахшарийдир. Замахшарий «араблар ва араб бўлмаган халқларнинг устози», «Оллоҳнинг қўшниси», «Хоразм фахри», «Адиблар каъбаси» каби номлар билан шарафланиб, дунёвий ва диний илмларнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган.

Алломанинг калом илмида ҳам алоҳида ўрни бор. Исломнинг илоҳиёт тизимида Қуръонга асосланган. Қуръонда олам ва унинг тузилиши, ривожланиши, инсон билими ҳақида Оллоҳнинг номидан қатор фикрлар олға сурилган. Бу фикрлар асосида исломнинг ақидавий таълимоти вужудга келган.

Қуръонни догматик ва юридик талқин қилиш Қуръонни ўқиш («илм-ул-қироат») ва унинг оятларига жо бўлган маъноларни батафсил тушунтириш («илм-ул-тафсир») илмларининг пайдо бўлишига олиб келган. Илк ислом ақидавий таълимотидаги зиддият, ноизчилик, сиёсий ҳокимият учун кураш турли ҳуқуқий-сиёсий мазҳабларнинг ва оқимларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

VIII асрда бир-бирига мухолиф турли мазҳабларга қарши кураш эҳтиёжи ҳамда мўътадил исломнинг асосларини ҳимоя қилиш зарурати туфайли ислом фалсафасида илоҳиёт, калом пайдо бўлган. Мутакаллимларнинг илк намоёндалари ал-Ашъарий (873-935) ва Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандийлар (870-944) исломнинг диний-ақидавий таълимотини асослашга уринганлар.

Мутакаллимлар таълимотига кўра, дунё Худо томонидан яратилган майда зарралардан (атомлар) иборат. Атомлар бўшлиқда Худонинг иродаси билан ҳаракат қилади, уларнинг ҳаракати исталган вақтда тўхтатиб қўйилиши ёки ўзгартириб юборилиши мумкин. Мутакаллимлар дунёда Худонинг иродаси ҳукмронлигини таъкидлаганлар. Эҳтимоллик қоидаси мутакаллимлар муҳокамасининг марказида турган. Бу қоидага кўра, Худонинг иродаси нуқтаи назаридан дунёда ҳамма нарса юз бериши, масалан, одам кўпбошли, тоғдек бўлиши ёки ҳавода учиши мумкин. Шунингдек, фил чивиндек, чивин эса филдек бўлиши мумкин. Мутакаллимлар бу мумкинлик бутун оламни идора этади, дейдилар.

VII-IX асрларда бу таълимот, асосан, халифалик ҳудудларида

ривожланган бўлса, IX асрнинг ярмида марказдан қувғин ва таъқиб қилинган. X-XIII асрларда Эрон, Хуросон ва Марказий Осиёда ўзининг иккинчи гуллаш даврини бошдан кечирган.

Машҳур шарқшунос А.Э.Шмидт XI-XII асрлар Хоразмда муътазила таълимоти маданиятининг уйғониш ва гуллаб-яшнаган даври бўлган, деган хулосага келган эди. «Журжония (Кўҳна Урганч — С.М.) аҳолиси, — деб ёзган эди А.Э.Шмидт — Закариё ал-Қазвинийнинг хабар беришича, асосан, муътазиладан иборат бўлган. Улар ақидавий таълимотга оид масалаларга кўпроқ қизиққанлар, бироқ бирон-бир мутаассибликка берилмаганлар»¹.

В.В.Бартольд X асрдаёқ Абулқосим ас-Самарқандий, кейинчалик Абу Мансур ал-Мотуридийлар Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида қадария, муржия ва муътазила таъсири ортиб бораётганидан ташвишга тушиб, уларга қарши қаттиқ мунозаралар олиб борганликлари тўғрисида хабар берган².

Замахшарий муътазила эътиқодига бир умр содиқ қолган. Тазйиқларга қарамасдан, ўзининг муътазила вакили эканлигини ҳеч қачон яширмаган.

Муътазилийлар таълимотининг муҳим жиҳатлари ҳақида шуни айтиш лозимки, улар ҳиссий тажриба ва анъанавий билим билан бир қаторда, билимнинг учинчи мезони — ақлий билишни ҳимоя қилганлар. Ҳақиқий билим — ақл ёрдамида олинадиган билимдир, деб ҳисоблаганлар. Замахшарий «*ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур, чунончи, еру кўк фақат ўз теграси қутблари атрофига айланар*», деб ёзган. Шунинг учун аллома хайрли ишларга астойдил киришишни, тафаккур ва идрок билан иш тутишни³ насиҳат қилган.

Аллома тақдирни яратишдаги илмнинг ролини эса қуйидагича юқори баҳолаган: «*Ёки илми бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илми тинглаб эшитадиган бўл. Бироқ, тўртинчиси бўлма, чунки ҳасадга учраб ҳалок бўласан*»⁴.

¹ Қаранг: А. Зоҳидий. Туркистонда ўрта аср араб мусулмонлар маданияти. Тошкент. 1993, 79-бет.

² В.В.Бартольд. Сочинения. Т. II. ч. I, М.-Л. с.225-226.

³ Замахшарий. Нозик иборалар. Тошкент. Камалак, 1992, 63-78 - бетлар.

⁴ Мазкур асар. 49-51-бетлар.

Сафарбой РЎЗИМБОЕВ,
профессор

ЗАМАХШАРИЙ ВА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ

Жаҳон филология илмини ўзининг нодир асарлари билан бойитган Маҳмуд Аз-Замахшарий бутун ҳаёти давомида эллиқдан ортиқ илмий асарлар ёзиб қолдирган.

Машҳур адиб Рашидиддин Ватвот Аз-Замахшарий ҳақида шундай ёзади: *«Чиндан ҳам бу инсон, гарчанд барча билимларни тўла эгаллаган ва жаъмий воқеаларнинг соҳиби бўлатуриб, ҳақиқатнинг аччиқлиги-ю, ҳалолу покликнинг ҳароратига қарамасдан ўта сабр-тоқатли киши эди. Ҳатто ўзига зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутар эди».*

Аз-Замахшарий буюк олим бўлиши билан бирга, ҳалол ва адолатпарвар инсон ҳам бўлган. Буюк олим филология илмининг барча соҳалари, шу жумладан, халқ ижодиёти масалалари билан ҳам шуғулланган.

Маҳмуд Аз-Замахшарийнинг фолклор бўйича фаолиятини уч йўналишга бўлиш мумкин: биринчидан, у халқ ижоди асарларини тўплаш билан шуғулланган, иккинчидан, фолклоршунос сифатида илмий тадқиқотлар олиб борган, учинчидан, фолклор материалларини ёзиб қолдирган, ҳатто айримларини араб тилига таржима ҳам қилган.

«Навобиғ-ул-калом»—*«Ҳикматли сўзлар»* асари Аз-Замахшарийнинг мақоллар ва ҳикматли сўзлар асосида ёзган китобларидан биридир. Мазкур асарда у панд-насиҳатлар, ҳикматлар ва халқнинг асрлар оша орттирган тажрибалари асосида яратилган доно фикрларга янги либос кийдирган. Уларга назар ташласак, ҳикматларнинг асосида халқ орасида кенг оммалашган мақоллар мазмуни ётганини англаш қийин эмас.

Масалан:

«Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик бўлар, қайғу ҳасрату фақирликка тушилар».

«Кўпинча тил билан етказилган жароҳат, қилич билан

етказилган жароҳатдан оғирроқдир».

«Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла».

«Агар ёмон йўлдошга эргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан».

Ҳозирги даврда халқ орасида, ушбу ҳикматлар билан мазмунан алоқага эга бўлган тубандаги мақоллар яшаб келмоқда:

«Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади».

«Тил яраси битар, дил яраси битмас».

«Яхши сўзни айт, ёмон сўздан қайт».

«Ёмонга ёндошсанг яраси юқар».

Ушбу асар мазмунан халқ ижодиётига жуда ўхшашлиги билан бирга, фольклор асарлари учун муҳим хусусият бўлган сажъ усулида ёзилганлиги билан ҳам халқ ижодиёти асарларига яқин туради.

Алломанинг фольклоршуносликка оид асари «Ал-мустақо фи амсол ал-араб» деб номланади. Бу китоб алифбо тартибида тузилган араб мақол ва масалларининг изоҳли луғатидир. Замахшарий араб мақол ва масалларини изоҳлашда уларнинг келиб чиқиш негизи, сабаблари, қўлланиш ҳолатлари, айрим ҳикматларнинг кимлар томонидан айтилганини баён қилган. Мақолларнинг маъноси аниқроқ кўриниб туриши учун матнда насрий ва шеърий мисоллар келтирган. Асарнинг аҳамиятли томони шундаки, олим фақат арабларда қўлланиб келинган мақолларнигина ёзиб олмай, балки Марказий Осиёда қадимдан ишлатилиб келинган туркий (ўзбек) ва форс-тожик мақолларини ҳам араб тилига таржима қилиб, ўз тадқиқотига киритган. Шу жиҳатдан олганда, Замахшарийнинг бу китоби араб, қадимги туркий ва форс-тожик мақолларини қиёсий-тарихий ўрганишда ҳам муҳим манба сифатида хизмат қила олади. Китобга 3461 мақол ва матал киритилган.

Мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилиш нақадар зарурлиги ушбу қисқача шарҳдан ҳам яққол англашилиб турибди. Ундаги туркий халқларга оид мақолларни аниқлаш ҳозирги фольклоршунослигимиз учун мақолларнинг мазмун ва шакл жиҳатидан эволюцияси ҳамда тарихийлиги масалаларини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши ўз-ўзидан маълумдир.

Аз-Замахшарийнинг «Мақомот» асари ҳам фольклор асарларига жуда яқин туради. Унда панд-насихат, ўғит тариқасида сўзлаш учун лозим бўладиган ҳикматли сўзлар, нақллар ва ҳикоялар мавжуд. Ҳар бир мақом охирида дидактик характерга эга бўлган шеърӣй парча келтирилган. Уларнинг мазмунига эса халқ мақолларининг руҳи сингдирилган. Мазкур китобнинг бир боби («Мақомот-ун-наҳв») -мақоллар ва ҳикматли сўзларнинг синтактик тузилиши таҳлилига бағишланган. Бу жиҳатдан олганда, у илмӣй асар ҳамдир.

Олимнинг «Нузҳат ул-мустаънис» — «Ҳамсуҳбатлар роҳати» номли китоби ҳам характери жиҳатидан халқ ижодиётига яқин туради. Олим адабиётшунослик масалаларига оид муаммолар, хусусан, бадий санъатлар ҳақида жуда аниқ ва синчковлик билан фикр юритади. Масалан, у бир-бирига жуда яқин бўлган «киноя» ва «таъриз» санъатларининг фарқи ҳақида халқона ибораларга таяниб, жуда содда ва аниқ маълумот берган. У «*бирор нарсани ўз номи билан атамасанг, у киноядир*», дейди ва бўйи узун одамни «*новча*» эмас, «*терак*» деб аташга ўхшаган мисол келтиради. Таъризда эса бирор мақсадни аниқ айтмасдан, унинг ишора қилиниши асосий хусусият эканини таъкидлайди. Масалан, бирор ҳожат билан бировнинг олдига келиб, мақсадни тўғри айтмасдан «*саховатли юзингни бир кўрай деб келдим*», деса бу таъриз санъати бўлади, деб изоҳлайди. У бадий восита маънога ва тил қоидаларига мос бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Шундай қилиб, буюк аллома ўзининг илмӣй ва бадий асарларини яратиш жараёнида халқ ижодиёти билан ҳамisha алоқада бўлган.

Фольклор материаллари асосида илмӣй асарлар ёзган, тилшунослик ва адабиётшунослик ҳамда бошқа соҳаларга оид асарлар таълиф этишда халқ ижодиёти асарларидан далил манбаи сифатида фойдаланган. Ўзи ҳам улардан илҳомланиб, халқ фалсафаси билан боғлиқ бадий асарлар, ҳикматли сўзлар ва афоризмлар яратган. Шунингдек, аллома кўплаб фольклор асарларини тўплаган, таржима қилган. Уларни китоб ҳолига келтириб, умрбоқийлигини таъминлаган.

Дунё маданияти хазинасини халқ оғзаки ижодиёти таъсирида ёзилган нодир дурдоналар билан бойитган буюк аллома аз-

Замахшарий ижодини ўрганишга илгарироқ қўл урилган бўлса-да, бироқ унинг бой меросини таҳлил қилиш ва оммага тақдим қилиш республикамиз мустақилликка эришгандан кейингина фаоллашди. Ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп.

Аз-Замахшарий 1143 йилда Журжония – ҳозирги Кўҳна Урганчда вафот этган. Шундан қарийб 200 йил кейин 1333 йилда Хоразмга келган араб сайёҳи Ибн Баттута «Саёҳатнома» асарида Урганч шаҳрининг ташқарисида аз-Замахшарийнинг қуббали мақбараси бўлганини қайд этган.

Дунё бўйлаб доврўғи кетган буюк алломанинг мақбараси ҳозирги вақтда Кўҳна Урганчда сақланиб қолмаганлиги, ҳаттоки унинг она қишлоғида ҳам олимни эслатадиган биронта арзигулик ёдгорликнинг йўқлиги адолатдан эмасдир. Унинг шаънига муносиб ёдгорлик ўрнатиш ва меросини нашр қилган ҳолда халқимизга тақдим этиш Юртимиз доврўғини етти иқлимга таратган аз-Замахшарий бобомиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

*Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети*

БУЮК ТАФАККУР СОҲИБИ

Аҳмад ибн Умар Абулжанноб ал-Хивақий ал-Хоразмий ўз замонида дин юлдузи – «Нажмиддин», буюк – «Кубро», парҳезкор тақводорнинг отаси – «Абулжанноб», валийлар устози – «Валийтарош» сингари лақаб, унвон ва куняларни олишга эришган нуфузли уламо ҳамда егук шахс бўлган. Турон заминида ўзига хос тариқатни яратган ва такомиллаштирган, Жалолиддин Румийнинг отаси Мавлоно Баҳоуддин Валад, Фаридиддин Атторнинг пири Бағдодий сингари муридларга устозлик қилган.

Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул-унс», Алишер

Навоийнинг «Насойим-ул-муҳаббат», «Лисон-ут-тайр» асарларида гоҳ у кишининг номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинса, гоҳ бевосита ёки билвосита таъсири кузатилади. Жаҳоннинг талай мамлакатларида бугунги кунда ҳам кубровия тариқатининг бевосита давоми ёхуд шаҳобчаси сифатида ривожланаётган Нейматуллоҳия хонақоҳларини эсласак, бугунги кунда ҳам кубровия тариқати Шарқ ва Ғарб мамлакатларида давом этаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Нажмиддин Кубро Миср, Саудия, Эрон, Туркия каби мамлакатларда бўлиб, донишманд кишилар Шайх Исмоил Қасрий, Аммар Ёсир, Шайх Рўзбеҳон сингарилардан зоҳирӣй ва ботиний илмларни ўрганган. Хоразмга қайтиб келгач эса мурид тўплаб, пир сифатида фаолият кўрсатган.

Нажмиддин Кубро фалсафа ва адабиётга, Шарқ тафаккурига самарали таъсир кўрсатган буюк тафаккур соҳибидир. У ҳамиша ўз билимларидан қониқмаслик ҳисси билан яшаган, уларни такомиллаштириб борган. Юксак олам («Олами кабир») ва Қуйи олам («Олам сағир») муносабатларини талқин этишга теран билимларини бағишлаган. Илоҳий ва инсоний оламларни инсоннинг руҳий кечинмаларига, ҳиссий билишга, моҳиятни англашга, теран таҳлил қила олишига асосланиб изоҳлаган. Билимнинг ҳар иккала кўриниши бир-бирисиз яшай олмайди, аксинча улар бири иккинчиси тўлдиради, изоҳлайди деб билган.

Нажмиддин Кубро тасаввуфда мазҳаблар айирмачилигидан тийилиб, бағрикенглик йўлини тутган, инсон муаммосига кўпроқ эътибор қаратган. Аҳли футувват, жавонмардийлик ғоясини ўз тариқатига татбиқ этган. Бу ғоянинг суфийлар ҳаётига изчил ва чуқур сингиши катта ижобий натижалар берган. Мардлик ва поклик, қаҳрамонлик ва фидойилик, маърифат ва жисмоний-руҳий қудрат бирлашиб кетган. Инсон камолотида ахлоқий юксаклик ва ватанпарварлик бир-бирини тўлдирувчи хусусиятларга айланган. Кубровия тариқатининг ўзига хослиги унинг дунёқарашида ҳам, амалий ишларда ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Нажмиддин Кубронинг Ватан мудофааси йўлида курашиб, ғанимлар қўлида шаҳид бўлганлиги ҳам авлодлар учун улкан ибратдир. Дарҳақиқат, аجدодларимиз буюклигининг сирлари ҳам

инсон деган буюк шараф қадрини баланд тутганликдадир. Ўткинчи ҳою ҳаваслару ўзликдан кечган ҳолда илм-маърифат истаб дунё кезганлигу эл-юртни жондан ортиқ ардоқлаганлигидадир.

Жаҳон тафаккур чўққиларини забот этган аждодларимизга муносиб ворис бўлиш ҳар биримизнинг Ватан олдидаги фуқаролик, қолаверса, инсоний бурчимиздир. Мустақиллик шарофати билан номлари қайта тикланган Нажмиддин Кубродек юзлаб комил пирларнинг ҳаёти ва мероси бизга ҳамиша ўрнак ва маънавий замин бўлиб хизмат қилади.

*Неъмат ЖАББОРОВ,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ИСКАНДАРИЯ КУТУБХОНАСИДАГИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Истиқдол туфайли халқимиз маънавияти сарчашмаларининг кўзлари бирин-кетин очила бошлади. Унинг шифобахш мусаффо сувлари жисмимиздаги дардларни даволаш билан бирга, унга куч-қувват ва дармон бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқимизни барча жабҳаларда самарали меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда. Ҳаётимиз кундан-кун фаровонлашиб, Юртимиз кўркига-кўрк, ҳуснига ҳусн қўшилмоқда. Буни республикамизнинг ҳар бир вилояти, тумани ва қишлоғида кўриш мумкин.

Ана шундай илҳомбахш манбалардан бири — ватанпарварликнинг олий тимсолига айланган улуғ аждодимиз Нажмиддин Кубро (540/1145–618/1221) меросидир. У Арабу Ажам мулкидаги кўпгина шаҳарларда ўрганган тасаввуф илмидан қаноат ҳосил қилмай, Она юрти — Хоразмга қайтиб, унинг қадимий маданияти, турмуш тарзи ва қадриятларини сақлаб қолиш мақсадида маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда

мустақил кубровия тариқатига асос солган. Кейинчалик бу тариқат Шарқу Фарбга кенг ёйилган¹.

Нажмиддин Кубронинг таржимаи ҳоли ва мероси истиқлол йилларидаги тадқиқотлар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, анжуманлар, мақолалар ва рисоаларда атрофлича ёритилди². Аждодларимизнинг дунё кутубхоналарида сақланаётган меросини аниқлаш ва уларни Ватанимизга олиб келиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айнан шу мақсадда, *Ўзбекистондан чет элга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузурида* (Кенгашнинг 1999 йил 26 майдаги 786-1 сонли қарори асосида) тузилган махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда. Бу — аждодларимиз меросини ўрганишга давлатимиз томонидан берилаётган юксак эътиборнинг ёрқин далилидир. Мазмун-моҳияти билан эзгуликка йўналтирилган бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Бироқ, бу биргина комиссиянинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу умуммиллий аҳамиятта молик ишга ҳар бир давлат, нодавлат ва жамоат ташкилоти ёинки, ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшишимиз керак. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида аждодларимизнинг, шу жумладан, Нажмиддин Кубронинг дунё кутубхоналарини безаб турган асарлари ҳақидаги маълумотларни излаб топиш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

Профессор Юсуф Зайдоннинг таъкидлашича, «Ал-Баладия» (Искандария) кутубхонасида Нажмиддин Кубронинг қуйидаги қўлёзма асарлари сақланади³:

1. «Ал-усул-ул-ашара» — «Ўн усул»⁴.

Бошланиши: «Улуғ шайх, буюк имом Нажмиддин Аҳмад ибн Умар деги: Билгинки, Аллоҳ яратганлар сони қанча бўлса, Аллоҳ таоло висолига етказувчи тариқатлар сони ҳам шунчадир. Биз шарҳлашни бошлаган тариқат — Аллоҳ таоло висолига етказувчи энг яқин, энг равон ва энг тўғри йўлдир»⁵.

Охири: «Ўнинчи тамойил — ризодир. Бу — ўзлигини кечиби, Аллоҳ ризосига кириш ва азалий аҳкомларга бўйин сунушдир. Биз ундаги раббоний сифатларни қутлаймиз ва жамолимиз нурларидан унга нур улашамиз. Муборак рисола поёнига етди»⁶.

Кутубхонада мазкур асарнинг 3 та қўлёзма нусхаси бор. Ҳар

уч нусха ҳам яхши ҳолатда сақланган. Бироқ айрим варақларда намликдан етказилган талофат изларини кўриш мумкин.

1-нусха: Ж/3758 рақам остида сақланади.

Асар тўплам ичида келган (28а-31б), 3 варақ, саҳифадаги сатрлар сони 21 та, ўлчови 14,5х20 см. Хат тури — насх. Кўчирилган санаси — 1137/1724 йил.

2-нусха: Д/1801 рақам остида сақланади.

Асар тўплам ичида келган (35б-38б), 4 варақ, 17 сатр, 10х17 см. Хат тури — анъанавий (насх). Кўчирилган вақти — ҳижрий XIII аср.

3-нусха: Ж/3792 рақам остида сақланади. Асар тўплам ичида келган (173б-176а), 4 варақ, 19 сатр, 15х22 см. Хат тури — анъанавий (насх). Кўчирилган вақти — ҳижрий XIII аср.

II. «Рисолат-ус-сафина» — «Кема рисоласи».

Бошланиши: «Аллоҳ висолига етиш йўли учтадир: Улар — шариат, тариқат ва ҳақиқат. Айтишларича, шариат кемага, тариқат уммонга ва ҳақиқат дурга ўхшайди. Ушбу уммон қатъидаги дурни кўзлаган киши, кемага миниб, уммонда жавлон қилгач, ул дурга восил бўлади. Мазкур тартибни бузган кимса ҳеч қачон дурга етиша олмайди, шу боис илми толиб учун энг биринчи муҳим нарсa шариатдир»⁷.

Охири: «Уларнинг ҳамроҳлик сирини — жойнамоздир. Бунда қуйидагича маъно мужассам бўлганлигини айтадилар: касалликка сабаб бўлувчи қабих сўзлару амаллардан ва ҳаром гаплару шубҳалардан сақланган кимса ушбу тоифа наздида мазкур жойнамозга сазовордир. Бундан ҳам мухтасар баён бўлмайди. Китоб поёнига етди»⁸.

Ушбу асар Ж/5164 рақам остида сақланади. 22 варақ, 17 сатр, 16х22,5 см. Ҳолати — яхши. Асар тўпламнинг бошида келган (16-22б).

Мазкур асарларда кубровия тариқатининг назарий асослари ёритилган. Тасаввуфий истилоҳларнинг талқинлари берилган. Маънавий баркамоллик босқичлари баён этилган.

Асарларнинг номидан ҳам қадимий Хоразмнинг муаттар насими уфўриб турибди. У «Авесто»да васф қилинган Хоразмнинг серсув ўлкалиги ҳақидаги қайдномаларга ҳам

ҳамоҳангдир.

Ҳақиқатдан ҳам, Она заминимиз ер юзининг энг гўзал, энг оромбахш, энг кўркам ва ҳар томонлама бой диёри бўлган⁴. Бир томондан, бу Яратганининг инояти бўлса, иккинчи томондан, аجدодларимиз қилган машаққатли меҳнатнинг маҳсулидир. Аجدодларимиз меросидан руҳлари покланиб, билаклари кучга тўлаётган юртдошларимизнинг ҳалол меҳнати туфайли Ўзбекистоннинг қадди ростланиб, дунёнинг энг обод, энг гўзал давлатига айланишига ва бунинг шунчаки бадийи васф эмас, балки муқаррар ҳақиқат эканлигига ишонч кундан-кунга ортиб бормоқда.

¹ Нуриддин Муҳаммад Неъматуллоҳ ибн Абдуллоҳ томонидан асос солинган неъматуллоҳия тариқатининг хонақоҳи ҳозир ҳам Лондонда фаолият кўрсатмоқда.

² Бу ҳақда қаранг: Н. Комилов. Нажмиддин Кубро (рисола). Тошкент, 1995 й.; Шайх Нажмиддин Кубро (мақолалар). Тошкент, 1995 й.; Н. Комилов. Тасаввуф, I ва II жиддлар, Тошкент 1999 й.; Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. Тошкент, 2001 й. ва бошқа.

³ Ушбу маълумотларни 1998 йили Искандарияда доктор М. Заҳраннинг кириш сўзи билан чоп этилган «Фихрист маҳтутоти баладиятил-Искандария» («Искандария вилоят кутубхонасидаги қўлёзмалар каталоги») номли китобнинг II жиддидан олдик. Уни проф. Юсуф Зайдон нашрга тайёрлаган.

⁴ Айни пайтда «Ақраб-ут-туруқ илоллоҳ» — «Оллоҳ, висолига етишнинг энг яқин йўли», «Рисолат-ус-сулук» — «Сулук рисоласи» ҳам деб аталадиган ушбу рисола проф. Юсуф Зайдоннинг бошқа китобида қайд этилишича, дунёнинг кўпгина кутубхоналарини безаб турибди. Жумладан, у Дамашқдаги «Аз-Зоҳирия» кутубхонасида № 7966, «Дор-ул-кутуб-мисрия»да № 9/253, Лондондаги «Индия» кутубхонасида №1256, «Қоҳирадаги «Дор-ул-кутуб»да № 1/268, Лейден кутубхонасида № 223, Манчестер кутубхонасида № E/108, Ванкувер кутубхонасида № 13/959, Рамбу кутубхонасида № 1/342 ва №1/329, Туркиянинг Роғиб Пошшо кутубхонасида № 1453 ашёвий рақамлар остида сақланади. Миср университети кутубхонасида мазкур қўлёзманинг Туркий/6911 ашёвий рақам остида сақланаётган ўта нафис нусхаси бор. У олтин суви ва рангли миниатюралар билан безатилган.

⁵ Арабчаси: «Қола аш-шайхул-имомул-ажаллул-кабир Нажмуддин Аҳмад бин Умар: Иълам аннат-тариқа илоллоҳит-таъоло биадади анфосил-халойиқ ва тариқуналлази нашраъу фи шарҳиҳи, ҳува

акрабут-туруқи илоллоҳи таъоло ва авдахуҳо ва аршадуҳо».

⁶ Арабчаси: «Ошируҳо ар-ризо, ва ҳувал-хуруж ан ризо нафсиҳи, бид-духул фи ризоллоҳи таъоло, бит-таслим лил-аҳкомил-азалия. Фааҳйайноҳу биавсофиҳир-раббония, ва жаъално лаҳу нуран мин анвори жамолино. Таммат ар-рисолат-ул-муборака»

⁷ Арабчаси: Баёнут-туруқ ҳийа салосатун: шариятун ва тариқатун ва ҳақиқатун. Йуқол: Аш-шариату кас-сафинати ват-тариқату кал-баҳр вал-ҳақиқат кад-дур. Фаман ародад-дурра, ракибас-сафинати сумма шараъа фил-баҳри сумма васала илод-дурри. Фаман тарака ҳазат-тартиб ла йасил илад-дурри, фааввалу шайъин алат-толиб ҳуваш-шариъат.

Айнан шундай ва бир оз ўзгарган таҳрирдаги мазкур лавҳани Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинагоҳида сақланаётган қўлёзмаларда ҳам учратганмиз. Дарҳақиқат, институтнинг қўлёзмалар хазинагоҳида Нажмиддин Кубронинг асарлари 295, 503 ва 1956 ашёвий рақамлар остида сақланади.

⁸ Арабчаси: Аммо сирру истисҳобиҳим ас-сажжода, қила: маъноҳу иннаҳу маҳаллут-тамйиз, фаман кана мутаҳарризан анил-афъоли вал-ақволил-мазмума ва мутаҳаризан анис-савтил-ҳаром ваш-шубҳот биҳайсу йасиру мардийан ғинда ҳазихит-тоифа, фақад истаҳаққал-жулус алас-сажжода. Ва ла йасаъу ҳазал-мухтасар аксара мин ҳаза, таммал-китоб.

⁹ Бу ҳақда «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида 1991 йил 19 март куни чоп қилинган «Умрбоқий анъана» номли мақолада тўлиқроқ маълумот берилган.

*Абдулҳаким МАТНАЗАР,
катта илмий ходими,
Маъмун академияси*

ЯЛДОНИ ЁРИТГАН НУР

(Паҳлавон Маҳмуд ижодида футувват масалалари)

Замондошларимиз Паҳлавон Маҳмудни жавонмардийлик тариқатининг пешвоси сифатида биладилар. Жавонмардийлик

истилоҳ сифатида «футувват» шаклида ҳам истифода этилади. Бироқ ана шу сўзлар билан ифодаланган тариқатнинг ўзи ҳақида анча хира тушунчага эгамиз.

Бизгача етиб келган маълумотларга қараганда, футувват инсонларда руҳий-этиқодий қувватни, иймон қудратини устувор қиладиган тариқат бўлган. Бу ҳақда буюк шоиримиз Низомиддин Алишер Навоийнинг замондоши, ажойиб олим Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Футувватномаи султоний» асарида батафсил маълумот беради: «*Футувват илмининг мавзуи бор, бу мавзу-инсон руҳи ҳисобланади, хос таъриф юзасидан эса футувват-инсоний филрат нури зуҳурининг нафсоний белгилар зулматига қарши қўйилиши, шу зулматни ёриб ўтишдан иборатдир*».

Биз Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний» асарини ғоявий асос сифатида қабул қилиб, шу асосда Паҳлавон Маҳмуд асарларининг ғоявий тағзамини ва бу тағзаминнинг буюк шоиримиз меросида акс этишини ўрганмоқчи эканмиз, юқорида футувватга берилган изоҳни Паҳлавон Маҳмуднинг бир рубойиси билан уйғунлаштириб ўтишни лозим топамиз: «*Тупроққа кўмилгайману мен шул кун пок Дўст руҳига кўчгайман агар бўлсам ҳалок. Тан тупроқ эрур, жон эса—Ҳақ ёғдуси, нур билан нур яшар, ахир, хок ила хок*».

Паҳлавон Маҳмуддан кейинги даврда битилган асар қандай қилиб буюк шоир ва мутафаккирнинг мероси учун назарий-ғоявий асос бўлиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ушбу рисоласи қадимий қўлёзмалардан фойдаланилган ҳолда битилган бўлиб, бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай ёзади: «*Ушбу китоб футувват аҳлининг йўриғи, расму одатлари баёни, шайхлик ва муридлик, пиру шогирдлик қоида шартлари ҳақидаги рисоладирки, уни фақирул ҳақир, беҳад нуқсонли Ҳусайн Воиз Кошифий машхур ва мўътабар китоблардан фойдаланиб, таълиф ипига тизди*». Рисолада футувват, яъни, жавонмардийликнинг моҳияти ва тафсилотлари тўғрисида қимматли маълумотлар борки, улардан келиб чиққан ҳолда Паҳлавон Маҳмуд мероси ҳақида фикр юритамиз. Шоирнинг ўзи пешво бўлган тариқатнинг фалсафий асослари унинг ижодига қай даражада таъсир кўрсатганлигини баҳоли

қудрат кузатишга ҳаракат қиламиз.

«Футувват нима?» Футувват элдан яширин бирон-бир иш қилмаслик, ҳамма одамлар билан хушфеълликда яшашдир. Рубойи:

«Ринд қасрига Давлат, урибон бош келди.
Ҳар нима пинҳон эса, сўнг фош келди.
Халқ таънасидан халосману, шукрим кўп,
Офтоб сенинг ошённингга, хуффош, келди».

«Футувват — аҳдга вафо қилмоқдир» — дейилади рисолада. Бу ўринда биз аҳд сўзини бирмунча кенгроқ англашимиз керак. Нечунки, футувватда «аҳд боғлаш» бу махсус маросим бўлиб, аҳд боғланган ёшлар устозлар томонидан тариқат аҳлининг сафига кирган ҳисобланади. Бунда фатий — яъни жавонмардийлик сафига киришга аҳд этган ёш йигит ўзи танлаган пирга қасамёд қилиб, жавонмардийликнинг эзгу амалларига содиқ қолиш учун аҳд этади. «Зеро, вафо жавонмардларнинг ишидир — дейилади рисолада — ва аҳду паймонни синдириш аҳдга вафо қилмаслик виждоннинг нуқсидир». Паҳлавон Маҳмуд ўз ҳаёти, ижоди билан жавонмардийликнинг бу талабига аъло даражада амалий жавоб бериб ўтган улуғ зотдир. Рубойи:

«Фахр урфи ситамдир, ки, яралган дамдан,
Сидқ аҳли халос бўлмади ҳеч мотамдан.
Ит бўлайин вафоси бор одамга,
Ит яхши вафоси бўлмаган одамдан».

Паҳлавон Маҳмуднинг жавонмардийликнинг аҳд ҳақидаги талабига жавоби ана шундай.

Хўш, жавонмардийликка дохил бўлишни истаган ёшлар нимага аҳд қилиб, белларига қувват белбоғини боғлаганлар? «Футувват — барчани ўзиндан афзал билиш ва ўзини ҳеч кимдан юқори қўймаслик».

Паҳлавон Маҳмуд жавонмардийликнинг ушбу талабига ҳам садоқат билан, бироқ ижодий ёндошади. «Ижодий» деганимиз шу маънодаки, у жавонмардийликнинг талабларини ўз шеъриятида тўғридан-тўғри қайд қилиш билан чекланмасдан, балки бу муҳим талабларни турли ҳаётий вазиятлар кўзгусига солиб кўради. Мана, шундай рубойлардан бири:

«Жанг авжида, жон қушлари шаддод ўйнар,
Қумрию калхат бўлишиб, дод, ўйнар.
Дўст дастида ўйнайди қилич ялтиллаб,
Ёв остида ҳам гижинглаган от ўйнар».

Бу мисралардан шу нарса аён бўладики, жавонмардийлар нафақат дўстларни, балки душманларни ҳам ўзларидан кам кўрмасдан, уларга ҳушёрлик билан муносабатда бўлганлар. Паҳлавон Маҳмуднинг ушбу рубойидаги ҳарбий кайфият ҳам, албатта, тасодифий эмас. «Футувватномаи султоний»нинг таржимони, ажойиб олим Нажмиддин Комилов ўзининг мазкур китобига сўз бошисида «Жавонмардлар мазлумларни зolim шоҳлар, маҳаллий ҳокимлардан ҳимоя қилиш, моддий ёрдам кўрсатишдан ташқари, уюшиб, ташқи душманларга қарши курашганлар ҳам. Улар орасидан атоқли лашкарбошилар, халқ қаҳрамонлари етишиб чиққан. Олимлар Абу Муслим, Муқанна, Яъқуб ибн Лайс, Мазайра, Маҳмуд Торобий каби араб, мўғул босқинчиларига қарши курашларда бошчилик қилган қаҳрамонларни жавонмардийлар вакили деб ҳисоблайдилар».

«Фатий» сўзининг луғавий маъноси — ёш йигит демакдир. Жавонмардийлик тариқатига гарчи ёш йигитлар қабул қилинганлиги учун уларни фатийлар деб аташ табиий бўлса-да, бу сўзнинг тариқатда мажозий маъноси ҳам мавжуддир. Китобга мурожаат қиламиз: «Модомики, солик ҳали нафс ҳаваси тузоғида, табиий эҳтиёжлар бандида экан, у гўё гўдакка ўхшайди, нафс мартабасидан тараққий этиб, дил мақомига етишса, балоғат остонасидаги ёш ўспирин қабилида бўлади. Ёш йигитда эса қон қайноқ, бадан қуввати етарли бўлганидек, жавонмардларда ҳам инсоний камолот билан бирга маънавий камолот мавжуддир ва ушбу мартабадагига «Фатий» дейдилар». Китобда жавонмардийликнинг чўққиси яхшилик йўлида жондан кечишга тайёр туриш, фидойи қалб эгаси бўлишдир, деб таъкидланади.

Паҳлавон Маҳмуд жавонмардийликнинг бу талабини ҳам ўз рубойларида бетакрор бир тарзда, олиймақом бадий маҳорат билан акс эттирган, рубойи:

«Ҳақ — дўст, дея жим тортса фиғон дўст — чин дўст,
Қилувчи ибодатни ниҳон дўст — чин дўст.
Кўз-кўзлама ҳеч бергану олган ноннинг,
Нон дўсти эмас, аслида, жон дўст — чин дўст».

Паҳлавон Маҳмуд жавонмардийликдаги фидойилик масаласига ҳам аниқлик киритади. Унинг уқтиришича, фидойилик кўр-кўрона бошини ўлимга тутиб бериш эмас, балки шу бошга арзийдиган юксак қадриятлар учунгина амалга ошириладиган қутлуғ воқеадир.

«Эй дўст, қани айт, жонми керак, жон берайин мен,
Ҳар не энг азиз сен сўра, шул он берайин мен.
Эй кофири шаддо, маним қошима бир кел,
Зунноринг олиб, ўрнига иймон берайин мен».

Шуниси диққатга сазоворки, жон фидо қилмоқ Паҳлавон Маҳмуднинг ўзи учун ҳам, салафлари ва издошлари учун ҳам шунчалик улуғ китобий бир гап эдики, ўз маслақларининг бу талабига Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд сингари азизларимиз шай турганликларини ва керак бўлганида қурбон бўлганликларини ҳам биз тарихдан яхши биламиз.

«Футувватномаи султоний»ни сатрма-сатр мутолаа қилиб борар эканмиз, ундаги фасллар футувват тариқатининг нақадар қаър-қаърларидан, теран сарчашмаларидан зилол сув ичганлигининг шоҳиди бўламиз. Миллий-диний қадриятларимизни ва аждодларимизнинг меросини халқимизга қайтаришга имкон яратган Истиқдолга шукроналар айтамиз.

*Жасурбек МАҲМУДОВ,
аспирант, Низомий номидиги ТДПУ*

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҲАҚИДА ЯНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Шу пайтгача ўзининг шахсий фазилатлари ва бадий ижоди билан Шарқда донг таратган Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвали ҳазратлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас эдик. Зеро, мустақилликкача бўлган даврда бундай валий зотларнинг ҳаёти

ва ижодий фаолиятини ўрганишга умуман имконият йўқ эди. Уларнинг ҳаёти ҳақида матбуотда ҳам, телевидениеда ҳам арзирли маълумот берилмас, ижодий фаолияти ҳаспўшланиб кетилаверарди. Бундай ҳол XIII аср охирлари ва XVI аср бошларида яшаган Паҳлавон Маҳмуддек жисмоний ва ҳам руҳоний қудрат эгаси ҳаётини турли хил тахминлару ривоятлар қаърига ташлаб қўйганди. Ваҳоланки, хоразмлик бундай табаррук зот ҳақида тазкира, маноқиб ва луғатларда маълумот берилмаслиги мумкин эмас, эди албатта.

Шу пайтгача бўлган маълумотларда Паҳлавон Маҳмуд, асосан, паҳлавон ва шоир сифатида таништирилар, авлиёлигига эса шубҳа билан қаралар, ҳатто зўрма-зўраки шундай қилинган деб изоҳланарди. Паҳлавон Маҳмуд борасида илмий изланишлар олиб борган адабиётшунос олим Т.Жалолов ўз тадқиқотларида унинг кўпроқ шоирлик ва паҳлавонлик фазилатларига урғу бериб, асосий фазилатларидан бўлмиш авлиёлигига (давр тақозоси нуқтаи назариданми) эътироз билдирган. Буни Г.П.Снесаревнинг мулоҳазаларидан ҳам билиб олиш мумкин. Ваҳоланки, аслида, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг авлиёлик хислати илоҳий неъмат бўлиб, шоирлиги эса мазкур фазилатнинг бир бўлаги, холос.

Изланишлар шуни кўрсатадики, Паҳлавон Маҳмуд ҳақида дастлабки маълумотлар Абдурахмон Жомийнинг авлиёлар ҳақида ёзилган машҳур асари — «Нафаҳот-ул-унс»да ҳам келтирилган бўлиб, у ерда унинг Хилватийлар сулукининг пешвоси Шайх Муҳаммад Хилватий билан мулоқоти эсланади. Демак, бундан унинг машҳур шайхлар билан алоқаси бўлганлиги ва улуғ шайхлар билан суҳбат қурганини билса бўлади. Тазкирада бу ҳолат «...*Ва ҳар қачон (Муҳаммад Хилватий) Хоразмда зикрга машғул бўлса, овози 4 фарсах жойга етарди ва Паҳлавон Маҳмуд Пакаёр анинг ҳамасри эрди ва у билан суҳбат тутар эди...*»¹ дея тасвирланади. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида маълумот берилган кейинги манба Алишер Навоийнинг авлиёларга бағишланган машҳур «Насойим-ул-муҳаббат» тазкирасидир. Бу асарда юқоридаги тазкирага қараганда тўлиқроқ маълумотлар келтирилган.

Шу пайтгача Паҳлавон Маҳмуднинг мазкур тазкираларда зикр этилганлигидан кўпчилик, ҳатто илм аҳлининг аксарияти

хабардор бўлмаган эди. Манбашунос Ҳамидхон Исломий бу ҳақда ўз рисоласида қайд этган ва ўз маълумотларини Санкт-Петербургдаги қўлёзма манбадан олганлигини таъкидлаган. Биз «Насойим-ул-муҳаббат» асарининг 5 та нусхасини ўзаро қиёслаганимизда, улардан биттасидагина мазкур маълумотлар келтирилганининг гувоҳи бўлдик. Унда Паҳлавон Маҳмуд лақаби Пурё шаклида эсланади, холос. Бошқа жиҳатлари Ҳ.Исломий келтирган нусха матнига мос тушади. Шу факт ҳам бизни ўйга толдирди. Чунки Паҳлавон Маҳмуднинг лақаби ҳам мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан яна изланишни давом эттириб, туркиялик олим Кемал Эраслан тайёрлаган «Насойим-ул-муҳаббат»нинг танқидий матни билан танишиб чиқдик. Бешта қўлёзма асосида тайёрланган ушбу нашрда қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Паҳлавон Маҳмуд Паккаёр, қаддаса сирраҳу, Хивақдингур ва лақаби машҳур Пурёрга, баъзи Паккаёр дебдурлар, аммо хивақлик кишидан таҳқиқ ва тасҳиҳ қилинди, Паккаёрга қарор топди, яъни барчага ёр Паккаёр қассобнинг ўғлидур...»². Ушбу матнни ўқиб Пурё лақабига далил топган бўлсак, унда келтирилган кейинги лақаб Паккаёр масаласи ҳам жумбоқ бўлиб қолди. Яъни, Ҳ. Исломий ва қўлёзмалар институтида келтирилган вариантда Пакаёр деб (битта «к» билан) келтирилган номни Кемал Эраслан Паккаёр дея (иккита «к») ифодалаган. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида яна бир тазкира — Абулмуҳсин Муҳаммад Боқирнинг «Тазкираи Муҳаммад Боқир» асарига мурожаат қилдик. Юқоридаги тазкиралардан ярим асрча (тахминан 1544 йилда) кейин форс-тожик тилида ёзилган мазкур асарда Паҳлавон Маҳмуд зикри, жумладан, қуйидагича бошланади: «Паҳлавон Маҳмуд Пакаёр (қаддаса сирраҳу), асл аз вилояти Хивақ аст ва лақаби у Пакаёр аст, яъни ба ҳама каси ёр, Пагари уро Пакаёр қассоб гуфтанд ва машҳур ба Пурё аст...»³. Демак, аслида Пакаёр бўлган мазкур сўзни ўқишда Кемал Эраслан чалкашликка йўл қўйган, Паҳлавон Маҳмуднинг асл лақаби эса Пурё бўлган.

¹ Жомий. «Нафаҳот ул-унс». Мазкур фонд 5839 қўлёзма.

² Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат». Нашрга тайёрловчи Кемал Эраслан. Анқара, 1996.

³ «Тазкираи Муҳаммад Боқир». Мазкур фонд 1846 қўлёзма.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
профессор

КУБРОВИЯ ТАРИҚАТИДАГИ ШОИР МЕРОСИ

Шайх Нажмиддин Кубро асос солган кубровия тариқатининг тасаввуф ва шеърятдаги издошларидан бири Хожа Абулвафо Хоразмийдир (в. 1457 й.). Алишер Навоий «Насойим-ул-муҳаббат» асарида «кибори авлиё»га мансуб бу улуг зот ҳақида қимматли маълумотлар берган ва унинг форсча олтита рубойисини келтирган. «Мажолис-ун-нафоис» асарининг биринчи мажлисида эса бу фикрларни давом эттириб, шундай деган: «*Хожа улуи зоҳирӣ ва ботинийни такмил қилиб эрди. Тасаввуфда яхши мусаннафоти бор ва машҳурдурки, ғарибни ҳам билур эрди*».

Хожа Абулвафо Хоразмийнинг мероси кўп қиррали бўлиб, Мустақилликкача унинг фақат Навоий асарларида тилга олинган рубойилари маълум эди холос. Форс тилидаги бу рубойиларни илк бор шоир Матназар Абдулҳаким ўзбек тилига таржима қилиб, ўзининг «Қорачидаги дунё» (Урганч, 1995) тўпламига киритган. Ушбу рубойилар тамомила тасаввуфона руҳда бўлиб, Оллоҳ ва олам бирлиги ҳақидаги қарашларни акс эттирган. Бунда кубровия тариқатидаги илоҳиёт олами — олами Кабир билан инсоният олами — олами Сағир муносабати асосий ўрин тутган. Инсон Оллоҳни ягона яратувчи деб билар экан, ўзини Тангри нурининг зарраси, дейди:

Зотингда пинҳондирман агар бўлсам йўқ,

Нурингда аёндирман, агар бор бўлсам.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. 90-йилларга келиб Хожанинг хорижда сақланаётган асарлари ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлди. Жумладан, 1996 йилда шарқшунос олим Ориф Усмонга ҳиротлик донишманд Нажиб

Мойил Ҳеравийнинг Техронда чоп этилган «Дар шабистони ирфон» деган асари тақдим этилган. Асардан Хожа Абулвафо Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумот билан биргаликда, форс тилидаги 146 рубойиси ҳам ўрин олган. Ҳеравийнинг маълум қилишча, Хоразмий, рубойилардан ташқари, илмий-тасаввуфий руҳдаги «Лавойиҳи асрор» («Равшанлик сирлари») ва «Наср-ул-жавохир» («Наср дурдоналари») каби асарлар ҳам битган. Шунингдек, Хоразмий рубойилари Техрондаги «Китобхонаи Миллие мулки Техрон»да 306 рақам остида сақланаётган «Жунги асрори ирфон» («Илм сирлари дафтари») тўпламидан олингани хабар қилинади. Лекин, Хожанинг Навоий зикр қилган мусиқа назариясига оид рисоласи ҳозиргача топилган эмас. Шу боис юқорида қайд этилган асардаги рубойиларнинг мазмуни ва таҳлили ҳақида маълумотларга эга эмасмиз.

Лекин Ориф Усмон Ҳеравий фикрларига асосланиб, Хоразмий рубойилари Муҳиддин ибн ал-Арабий асос солган «ваҳдат-ул-вужуд» таълимоти, шунингдек, Айнулқуззот Ҳамадоний ва Нажмиддин Кубро асарлари таъсирида ёзилганини алоҳида таъкидлаган ва 8 та рубойини (сарлавҳалар билан) ўзбекчага таржима қилган. Албатта, буларнинг ҳаммасини мукамал бадий таржима намунаси дейиш қийин. Лекин уларда Хожа тасаввуфий қарашларининг асл моҳияти — Оллоҳ ва Инсон муносабатининг суфиёна талқини яққол ифодаланган.

Шоир бир рубойисида «Худо борлиги ўзининг борлиги» ва «Мутлақи Зот фарзанди» бўлгани сабабли «бағоят шод» эканлигини изҳор қиладики, бу ҳол ҳам тасаввуфий қарашнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир.

Шунингдек, «Раҳматнинг меҳридан», «Танг жаҳон», «Аҳли дил лутфидан» каби рубойиларидаги Одам, олам, Оллоҳ ва жамият муносабатларининг суфиёна талқинлари ҳам Хожанинг тасаввуфда «улуми зоҳирий ва ботинийни такмил қилганидан» гувоҳлик беради.

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси*

НАВОИЙ — ИЛМ-ФАН ҲОМИЙСИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бутун умри давомида илму адаб аҳлига раҳнамолик қилиб келган. Унинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар. Айниқса, тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилган ва тасвирий санъат усталарининг ишига алоҳида эътибор берилган. Ҳиротда Навоийнинг шахсий ташаббуси ва маблағи билан Халосия, Шифоия, Низомия каби бир неча мадраса ва хонақоҳлар қурилиб, уларда машҳур олимлар дарс берганлар ва илм билан шуғулланганлар. Бу даврда риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, мантиқ, фикҳ, адабиёт назарияси ва бошқа соҳаларга оид кўплаб асарлар яратилган: Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий томонидан XII асрда яшаб ижод этган астроном Маҳмуд Чағминийнинг "Ал-мулаҳхас фи-л-ҳайсат", XIII аср олими Носириддин Тусийнинг "Бист боб дар маърифат ал-устурлоб" китобларига ёзилган шарҳлар, Абдураззоқ Кирмонийнинг "Рисола дар илми фаросат", Хожа Абулқосим Абуллайсийнинг "Ҳошияи мутававал" асарлари шу жумладандир.

Ҳирот олимлари Амир Алишер кўрсатган беғараз ёрдам учун ўз асарлари дебочасида миннатдорчилик изҳор этиб кетганлар. Айниқса, Навоий бошлиқ Ҳирот адабий муҳити султон эътибори ва яратилган қулай шароитлару имкониятлар туфайли темурийлар салтанатини тарих саҳифаларига энг маданиятли ва инсонпарвар сулола сифатида киритди. Бунда Навоийнинг хизмати беқиёс ва буюқдир. Унинг темурийлар сулоласи ҳамда илм-фан аҳли олдидаги фидойи хизмати ўша даврнинг ўзидаёқ юзлаб асарларда эътироф этилган.

Кўпгина муаллифлар улуғ давлат арбоби билан шахсан таниш бўлганлиги сабабли уларнинг маълумотлари илк манбалар сифатида бебаҳо ҳисобланади. Масалан, Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн", Мирхондининг "Равзат-ус-сафо", Хондамирнинг "Хулосат-ул-

ахбор", "Ҳабиб-ус-сияр" тарихий асарлари, Давлатшоҳ Самарқандийнинг форс адабиёти кўзгуси ҳисобланган "Тазкират-уш-шуаро", Абдуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг форс-тожик бадиий санъатлари ҳақидаги "Бадойеъ- ус-санойеъ", муаммо жанрига оид бир неча рисоалар, Абдурахмон Жомийнинг асарлари шулар жумласидандир. Шундай адиблар ҳам борки, Навоий тириклик пайтида ёш бўлганликлари жиҳатидан салмоқли асар ярата олмаган эсаларда, аммо унинг тарбиясини олиб, суҳбатларида иштирок этишган. Бу омил уларни етук олим бўлиб етишишга илҳомлантирган. Шу боис уларнинг кейинчалик яратган асарларида Алишер Навоийга буюк эътиқод ҳисси уфуриб туради. Бундай асарлар сирасига Зайниддин Восифийнинг "Бадоеъ-ул-вақоеъ" тарихий-эсдалик асари, Фахрий Ҳиротийнинг "Латоифнома" номи билан машҳур бўлган "Мажолис-ун-нафоис"нинг форс тилига қилинган таржимасини киргизиш мумкин.

Хуллас, Навоий билан мулоқотда бўлган ёки у билан учрашмаган бўлса-да, ўша даврда яшаб, маълум бир манбалар асосида шоир ҳақида маълумот келтирган муаллифларнинг меросини ўрганиш мустақиллик даври навоийшунослиги учун жуда муҳимдир.

*Файзуллаҳон НАБИЕВ,
филология фанлар номзоди, доцент*

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОНИДА ТАБИАТ ВА РУҲИЯТ ТАСВИРИ

Мустақиллик шарофати билан ўзбек адабиётшунос-лигининг қўлга киритган энг катта ютуғи, бу – асл қадриятларимиз, нодир дурдоналаримиз, шоҳ асарларимиз замиридаги ғояларни ҳолис таҳлил ва талқин этишга эришганидир. Шу муносабат билан

Алишер Навоий ижодхонасига яна бир карра назар ташлаш фойдалидир.

Алишер Навоий «Хамса»да, жумладан, «Лайли ва Мажнун»да мавзунини ёритиш, тимсоллар яратиш ва қаҳрамонларнинг маънавий-руҳий оламини акс эттиришда табиат тасвиридан, унинг ранг-баранг манзаралари ва кенг имкониятларидан усталик билан фойдаланган. Бунда, сўзсиз, бадиий санъатлар ҳам қўл келган. Бундай усул ва тасвирий воситалар муаллиф ғояларининг руёбга чиқишида, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини чуқурроқ ва ёрқинроқ очишда, воқеалар ривожини тадрижий такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этган. Достонни ўқир эканмиз, унда табиатнинг хилма-хил бадиий лавҳаларига, табиатта хос унсур ва ҳодисалар ёрдамида ёритилган гўзал бадиий тасвирларга, табиат ва коинот жисмларидан фойдаланиб қилинган кўплаб истиораю ташбеҳларга дуч келамиз.

Қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати баёнида табиат манзараларидан маҳорат билан фойдаланиш йилнинг уч фасли — баҳор, ёз ва куз тасвирида ва улар билан боғлиқ Қайс, Лайли кечинмалари мисолида кенг ва чуқур очилади. Уларда инсоннинг ҳаёт ва табиат билан бирга бўлиши, яхшилик ва саодат сари интилиши, она-табиатнинг мислсиз гўзалликларидан инсонларга хос тарзда фойдаланиш, уларга озор бермаслик, умуман, она-заминга, унинг мислсиз гўзалликлари оламига, ганжиналарига зиён-заҳмат етказмаслик, топтамаслик, уларни ғорат қилмаслик, шу орқали олий хилқат инсонга бўлган қайноқ меҳр-муҳаббат, ҳаётга, унинг равнақи ва гуллаб-яшнашига ишонч, умидворлик мунаввар тарзда очиб берилади... Жумладан, «ҳажр шомиди» қолган Мажнун руҳий дунёсини ёритар экан, табиатнинг тонг манзарасини чизиб, жонлантириш санъатига мурожаат этади. Эътиборни тонг ва боғ манзарасига қаратган Навоий ана шу нафосат сирриётининг ботиний ва зоҳирий қирраларини, жиҳат ва хусусиятларини ич-ичларигача очиб кўрсатади, уни ошурфта ошиқнинг руҳий кечинмалари билан боғлайди:

Булбул боши узра нағма пардоз,

Аҳволига навҳа айлаб оғоз.

Гул ҳолига чун назора айлаб,

Гулгун ёқасини пора айлаб.

Наргис шабнамдин ашк этиб фош,
Аҳволиға юммайин тўқуб ёш.

Бу манзарага жонлантириш санъати — усули қўл келган, шоир табиатнинг жонли манзарасини чизган, шу орқали қаҳрамоннинг тобора мураккаблашиб бораётган руҳий олами ва мунгли қисматини кенроқ ёритган. Тонг тасвири, боғ манзараси, гуллар, булбул, шабнам, шабнамнинг ҳар бир новда ва гулда қолдирган изи, юзини гўё қора қилган сунбулнинг қоп-қора хушбўй зулфларини ёйиши, оқар сувларнинг мотамсари кишилардек товуш чиқариб «зор-зор йиғлаши» ва бошқалар Мажнун руҳий ҳолатини акс эттирувчи муҳим воситалардир. Шу тариқа асар бошдан-оёқ психологик тасвирлар билан тўла, қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари мунгли ва ғоят гўзал лирик формада баён қилинади.

Алишер Навоий Лайли ва Мажнуннинг «қора қайғу моjarоси» тасвирида андозани табиатдан, шу билан бирга, бевосита севишганларнинг ўз табиатидан, мусибатга тўла ҳаётидан олади. Ҳажр изтиробларида ўртанган ошиқ ва маъшуқа руҳияти тасвирида табиат ҳодисалари фонида ўта муболағали ўхшатишлар қўлланади:

Кун гарм бўлиб ҳалок жонға,
Лайли киби ўт солиб жаҳонга.
Ҳар елки эсиб ҳароратомез,
Мажнун дамидек жароҳатангез.

Бу андоза саратон тасвири учун қўллангани ва, айтиб ўтмоқчи бўлган, бевосита Лайли ва Мажнун табиатидан олингани, бир томондан, лавҳага бадиийлик бағишласа, иккинчи томондан, унга реалистик маъно ва моҳият беради. Бу ҳол қаҳрамонларнинг Навоий яшаган замон ва замин билан — XV аср муҳити билан бевосита алоқадорлигини кўрсатади.

Хуллас, Навоий табиат ва жамиятни бадиий нисбатга айлантиришда чексиз имкониятлар топади. У борлиқдаги ҳар бир нарсадан, ҳодисадан ва табиатнинг турли хил кўринишларидан уста мусаввир каби фойдаланиб, инсон қалби, унинг характери ҳамда маънавий дунёсини атрофлича ёритиб беради. Бу Навоийга хос маҳорат белгиси, буюклик намунасидир.

Неъмат ЖАББОРОВ,
Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси

ТОҲИР ЭШОН УРГАНЖИЙНИНГ «УЛ УБАЙДИЙ» СУЛТОНХОН» ҚИССАСИ

Тарихий манбалар ва нашр қилинган тадқиқотларда қайд этилишича, Убайдуллоҳхон² Ибн Маҳмуд Султон Ибн Абулхайрхон (892/1487-946/1540) 1533-1540 йиллар мобайнида Мовароуннаҳр султони бўлган. Унинг қисқача таржимаи ҳоли Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асарида келтирилган³.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни бўлмиш Убайдуллоҳхон истеъдодли, моҳир саркарда, етук давлат арбоби, узоқни кўра биладиган султон бўлган. У соҳибқирон Амир Темур асос солган буюк салтанат инқирозга юз тутгач, уни қайта тиклашга, ўзбекларнинг қудратли давлатини тиклашга ҳаётини бахш этган. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Убайдуллоҳхон Мовароуннаҳр бирлигига тажовуз солувчиларга, хоҳ ички, хоҳ ташқи душман бўлсин, қақшатқич зарба берган. Убайдуллоҳхон токи тирик экан, Мовароуннаҳр бирлигини ҳимоя қила олган ҳақиқий ватанпарвар, адолатли шоҳ, юксак ҳарбий маҳорат соҳиби бўлган. Унинг ҳарбий маҳорати ҳақида Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асарида қуйидаги сатрлар битилган: «...Ҳазрат Убайдуллоҳ Баҳодирхон уч минг қуроолланган чавандоз билан келиб, олтмиш минг кишига қарши жанг қилиб, ... душман устидан ғалаба қозониб, Мовароуннаҳр мулкани бутунлай қўлга киритганлар»⁴.

Убайдуллоҳхон таржимаи ҳолининг эътиборга молик иккинчи қирраси унинг эл-юрт ободончилиги соҳасидаги фаолиятига тааллуқлидир. У қудуқлар қаздириб, сув танқислиги муаммосини бартараф қилишга, экинзорлар, боғлар барпо қилишга ҳамда мавжуд боғларни янада фойзли бўлишига алоҳида эътибор берган⁵.

Илму фан ривожланмаган давлатнинг келажаги йўқлигини яхши англаган Убайдуллоҳхон Мир Араб мадрасасини қуриш учун катта маблағ ажратган. Убайдуллоҳхон томонидан ажратилган ушбу инъомларга Абдуллоҳ Яманий ўз ҳисобидан маблағ қўшиб, 942/1536 йилда фахри Ажам бўлган буюк мадраса қурдиради. Бу мадраса кейинчалик Мир Араб номи билан жумлаи жаҳонда машҳур бўлган⁶. Қувваи дини ислом бўлмиш Бухоройи шарифга келиб, ушбу мадрасада дарс беришни Арабу Ажаму Ҳинднинг кўзга кўринган етук олимлари ўзларига фахр билганлар.

Убайдуллоҳхон таржимаи ҳолининг эътиборга молик учинчи қирраси унинг илму фан ва маданият равнақиға қўшган шахсий ҳиссаси билан боғлиқ. Убайдуллоҳхон турк-ўзбек, форс-тожик, араб тилларида баракали ижод қилган мутасаввиф шоирдир.

Тасаввуф бобида Маҳдуми Аъзамнинг пирлик этагини тутиб, камолга эришган Убайдуллоҳхон ажойиб манзумалар битган ва уни ўз устозига юборган⁷. Маҳдуми Аъзам ҳам Убайдуллоҳхоннинг рубоийларига ва ғазалларига шарҳлар битган. Бундай асарларнинг бири «Шарҳи рубоъийёти Убайдий» («Убайдий рубоийларининг шарҳи»), бошқаси эса «Шарҳи як ғазали Убайдий» («Убайдий ғазалларидан бирининг шарҳи») деб аталади. Ана шу пиру-мурид анъаналарига содоқатнинг маҳсули ўлароқ Маҳдуми Аъзам асарлари Саййид Муҳаммад ибн Жалолуддин ал-Шўржаҳий ал-Бухорий томонидан ягона бир тўпламга жамланган⁸.

Убайдуллоҳхон ижодидан олинган намуналарни турли қўлёзма манбаларда Хожа Аҳмад Яссавий девонларида учратиш мумкин⁹. Лекин Убайдуллоҳхон ижодининг асосий қисми «Куллиёти Убайдий» («Убайдий куллиёти») номли тўпламга жамланган. Тоҳир Эшон Урганжий ушбу куллиёт ҳақида қуйидаги сатрларни битган:

«Убайдхоннинг ҳикматин, кўрдум улуғ китобдур,
Ажаб китоб қилибдур, ул Убайдий Султонхон.
Туркий, форсий аралаш, яратибди кўзу қош,
Муносиблиғи бошдин бош, ул Убайдий Султонхон.
Баъзилари арабий, ҳеч йўқ эрди ажамий,
Гўё фасих арабий, ул Убайдий Султонхон».

Тоҳир Эшон кўрган ушбу қўлёзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинагоҳида 8931 ашёвий рақам билан сақланади¹⁰. «Куллиёти Убайдий» деб номланган ушбу қўлёзмага Убайдуллоҳхоннинг қуйидаги асарлари киритилган:

1. «Девони Убайдий» («Рубоъийёти Убайдий») — 1а-78а;
2. «Матлаъҳо» («Матлаълар») — 78б-97б;
3. «Мақолот ва калимот ва абёти Убайдий» («Убайдийнинг мақолот, калимот ва байтлари») — 97б-102б;
4. «Муқаддимот-ус-салот» — 103б-114б;
5. «Девони Убайдий» («Убайдий девони») — 114б-338а:
Ҳикматлар — 114б-202б, Девон — 203б-314б, Матлаъ ва фардлар — 314б-338а;
6. «Шавқнома¹¹» — 339б-340а;
7. «Сабрнома¹²» — 340а-341б;
8. «Ғайратнома» — 341б-342а;
9. «Маснавий» — 342а-343;
10. «Муаммо» — 343-344а;
11. «Таржиъбанд» — 344а-345а¹³.

Қўлёзма манбаларда Убайдуллоҳхон ҳақида битилган ажойиб асарлар бор. Шулардан бири Тоҳир Эшон Урганжийнинг «Ул Убайдий Султонхон» номли қиссасидир¹⁴. Назмда битилган ушбу қиссада Убайдуллоҳхоннинг ҳаёти, ижоди ҳамда у яшаган даврдаги ижтимоий муҳит ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Тоҳир Эшон ибн Муҳаммад Таййиб ал-Хоразмий айрим манбаларда Убайдуллоҳхоннинг вафоти 935/1528-1529 йилларда деб кўрсатилганлигини ва ушбу маълумотнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тасаввуф руҳи билан йўғрилган ушбу қисса айрим пирлар нафсга берилиб, таъмагирлик қилиш пайига тушган, бу эса, ўз навбатида, ижтимоий муҳитга салбий таъсир кўрсатган бир даврда ёзилган. Тоҳир Эшон Урганжий шуларни инобатта олиб, айна вақтда Убайдуллоҳхонга ихлоси баландлигидан шундай ёзади:

«Ихлос бирла бу йўлга кирганлар камёбдур,
Ул камёблар бошлиғи, ул Убайдий Султонхон».

Қиссанинг айрим қисмлари тасаввуф васфига бағишланган. Шу боис унда чуқур тасаввуфий маъноларни англатувчи атамалар (истилоҳлар) ҳам учрайди. Масалан, «йақин — аҳли Ҳақ наздига иймоннинг қуввати бирлан аёни кўриш», «ийқон — назар ва истидлолар сўнгига бирон-бир нарсанинг ҳақиқатига илм ҳосил қилиш» ва Ҳ.зо.

Шайбонийхонлардан бўлмиш Убайдуллоҳхон билан биргаликда қиссанинг иккинчи қисмида етти султон ҳақида сўз боради. Айниқса Тоҳир Эшон Аштархонийлардан бўлмиш бошқа бир Убайдуллоҳхон (1114/1702-1123/1711) ва Абулфайзхон (1123/1711-1160/1747) ҳақида ҳам батафсилроқ тўхталиб ўтади. Буни табиий ҳол деб қабул қилиш керак бўлади, чунки Тоҳир Эшон Урганжий ушбу қиссани 1158/1745, яъни Бухорода Абулфайзхон ҳукм сураётган даврда ёзган.

Асарда ариқлар қазиб сув чиқариш, боғлар яратиш, мадрасалар қуриш каби бунёдкорликка даъват этувчи халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятлар тараннум этилган. «Подшоҳларнинг сарвари ва султонларнинг гавҳари» деб мадҳ этилган Убайдуллоҳхон сиймоси орқали юрт равнақи, халқ ҳаётининг фаровонлиги ва осойишталиги уни бошқарган шахсларнинг фаолиятига чамбарчас боғлиқлиги кўрсатилган. Шу боис уларни «Аллоҳнинг ердаги сояси» деб эъзозлаш ҳам миллий-диний қадриятларимиздан бири ҳисобланган.

Унутилаёзган миллий-диний қадриятларимиз Мустақиллик туфайли бирин-кетин қайта тикланмоқда. Ўзбекистонни Мустақил деб эълон қилган, фикри-хаёли ҳар доим унинг тинчлигини таъминлаш, пойдеворини мустаҳкамлаш, халқаро нуфузини ошириш билан банд бўлган ана шу «Соя»нинг умри бардавом бўлишини Яраттанинг ўзи барчамизга насибу рўзи айласин!

¹ Убайдий — Убайдуллоҳхоннинг тахаллуси бўлиб, у «кичкина банда», яъни бандаларнинг энг кичиги деган маънони билдиради. «Кичкина» сўзи бу ерда камтарин, хоксор маъноларини ифодалайди. Худди «ҳасан» сўзидан «ҳусайн» ясалганидек, «убайд» сўзи ҳам «банда» маъносини англатувчи арабча «абд» сўзидан ясалган кичрайтирма отдир. Убайдуллоҳ эса «Аллоҳнинг кичкина бандаси» деган маънони англатади.

² Убайдуллоҳхоннинг тўлиқ исми — Абулғози Убайдуллоҳ,

Еаҳодирхон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абулхайрхондир.

³ Қаранг: Ҳасанхожа Нисорий, «Музаққири аҳбоб», Тошкент, 1993 йил, 21-32-бетлар. Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси.

⁴ Қаранг: Ўша асар, 22-бет

⁵ Ўша кезларда Бухоро шаҳрининг қибла томонида 76 га майдонга эга боғ яратилган. Унинг бошланиши ҳозирги «Сомонийлар» истироҳат боғи ҳудудига тўғри келади. Ушбу миллий қадрият Бухоронинг тарихий обидаларини кўрган ҳар бир инсон аждодларимизнинг ақду заковати олдида оғзини очиб, лол қолиши табиий.

⁶ Бу ҳақда қаранг: С. Айний. «Мир Араб мақбаралари», яна «Духовенство и политическая жизнь на ближнем и среднем Востоке в период феодализма», М. 1985, 74-80.

⁷ Қаранг: Н. Жабборов, «Маҳдуми Аъзам Даҳбедий», Тошкент, 1993 й.

Маҳдуми Аъзамнинг «Шарҳи рубоъийёти Убайдий» асари Абдулҳаким Шаръий Жузжоний томонидан таржима қилинган. Қаранг: Тасаввуф ва инсон. Тошкент. «Адолат». 2001, 113-134-бетлар.

⁸ «Имом ал-Бухорий сабоқлари», 2001 й., № 1-сон.

⁹ Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг хазинагоҳида 8791 рақамли қўлёзманинг 228-саҳифасида Убайдуллоҳхоннинг куйидаги манзумаси келтирилган: Эй солиқ ўзингга Тангрини ҳамроҳ де, Ҳозир кўриб ани нозир у огоҳ де, Ҳибси нафс айлаб анжуман хилватида, Ихлос ила «ло илоҳа иллоллоҳ» де.

¹⁰ Тоҳир Эшон кўрган ушбу қўлёзма 991/1583 йилда «Мир Кулангий» номи билан машҳур бўлган котиб Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: «Собрание восточных рукописей АН УзССР», Ташкент, Фан, II т., С.244-248. М.Ҳ. Абдуллаев ушбу қўлёзма асосида тадқиқот олиб бориб, «Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Қаранг: Абдуллаев М.Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Автореферат. Тошкент-2000.

¹¹ Ушбу асар 54/1 рақамли бошқа бир қўлёзманинг 3896 саҳифасида ҳам келтирилган.

¹² Ушбу асар 54/VI рақамли бошқа бир қўлёзманинг 3896 саҳифасида ҳам келтирилган.

¹³ «Музаққири аҳбоб»да Убайдуллоҳхоннинг «қироат илмида фойдали таснифи» борлиги қайд қилинган. Қаранг: Ҳасанхожа Нисорий, «Музаққири аҳбоб», Тошкент, 1993 йил, 30-бет.

¹⁴ Ушбу асар мазкур институт хазинагоҳида сақланаётган иккала қўлёзма нусхаларни бир-бирига таққослаган ҳолда нашрга тайёрланган.

Комил АВАЗ,
Огаҳий номидаги жамғарма раиси,
Огаҳий номидаги театр директори

ИХЛОС

Мустақиллигимиз йилларида маънавиятимиздаги туб ўзгаришлар, қадимий қадриятларимизнинг халққа қайтишида буюк инсон, муҳтарам Президентимиз амалга ошираётган улкан сазой-ҳаракатлари ҳам Яратганнинг иноятидур. Бугунги кун шарофати билан улуғ мутафаккир аجدодларимиз ижодининг номаълум бўлиб келган томонларини кашф қилмоқдамиз, ихлосимиз офоқи ойдинлашиб, нурланиб бормоқда. Қуйида келтириладиган мулоҳазаларимиз буюк ўзбек шоири Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ижодидаги баъзи ҳолатлар ҳақида.

Маълумки, Огаҳий ишқ жозибасини, унинг моҳиятини орифона ифодалаган шоир:

Огаҳий ҳолини гар ишқ ичра билмак истасанг,
Чашми ибрат бирла дардангиз девонимга боқ.

Огаҳийнинг дардангиз девони — «Таъвизул ошиқин» («Ошиқлар тумори»)га боқиб, ўқиганда бир олам маъно оламиз, ҳайрату ҳавасимизнинг канораси йўқдир. Содда ва равон услубда ёзилган мисраларда биз англамайдиган, балки англашга ожизлик қиладиган яширин фикрлар мавжуд.

Огаҳийнинг ранг-баранг ижоди нурли тонг янглиғ ҳамиша дилларга ором, мавжли уммон янглиғ исёнкор туйғу бахшида этади, «икки жаҳон»ни англашда, ҳам дунёвий, ҳам илоҳий руҳиятнинг беназир талқинидан масрурлик инади. Шу билан бирга, шеъриятнинг 22 жанрида маҳорат ила қалам тебратган, 20 минг мисрага яқин ашъор битган Огаҳийдек аллома шоирнинг камтарлиги аҳли қаламкашга ибрат мактаби бўлса, не ажаб.

Шоирнинг ҳаёти ва ижоди хусусида гапирилганда, ҳамиша хон ва сарой аҳли билан қарама-қаршиликлари, айниқса, хоннинг унга бўлган «ёмон» муносабати қайд этиб келинганди. Ваҳоланки, Огаҳий саккизта хон даврида яшаган, ишлаган, ижод қилган. У

ҳаммаси билан ёмон муносабатда бўлмаганку! Шу билан бирга, хонларнинг қай бири шоирга нисбатан совуқ муносабатда бўлганини аниқ айтиш қийин:

Руҳ каби шахдин йироқ ўлмай десанг бу арсада.

Ҳар тарафга мойил ўл, андоқки фарзин, эй кўнгул.

дея нидо қилишида қайси хонни кўзда тутгани номаълум. Балки, Сайид Муҳаммад Раҳимхон назарда тутилмагандир. Зеро, юқорида қайд этганимиз, «Таъвизул ошиқин»ни тузиш борасида Сайид Муҳаммад Раҳимхонни шарафлаб, «Тоқим муборак асрининг шуароси давлат ва сарватда Қорунлиғ даражасига етти...бу фақир ҳақир ҳамким, бу улуг хонадоннинг қадимий бандаси ва бу баланд остонанинг самимий сарафкандасидурман» дейишидан маълумки, хон хонадонининг яқини бўлган.

Бу сатрларни зикр этишдан мақсад, шоирнинг хонлар билан бўлган муносабатини ёритиш эмас, балки тубсиз уммон янглиғ ижоди ибрат булоғи эканига неча бор иймон келтиришдир. Жумладан, ушбу буюк илм соҳиби Ферузхонни улуғлашда маснади камтарлик, оқилона дурбинлик кўрсатади. Ахир қаранг, «...бир неча муддатдан сўнг бир кун фақирга иноят назари билан боқиб, дилнавозлик юзидин хитоб қилиб дедиким: «Борча мусаввалардаги ва баёзлардаги ва ўзга ерлардаги паришон бўлган шеърларингни жам этиб, девон суратида тартиб берғил ва онга дебоча ҳам ёсоб, сўнгра айтилган ашъорингни доғи ҳамул девонда ўз маҳалида рақам силкига гавҳар янглиғ терғил. Нединким, кишидин то қиёматгача боқий қолатурғон ёдгор ва фарзанди саодатосор яхши сўздурким, онга замон ҳаводисининг офоти зарари асло етушмас ва даврон инқилобининг губори ҳаргиз аҳволи бошига тушмас. Ва вужуди адам қисватидин муарро, бақоси фано тухматидин мубарродур».

Ушбу битикни «Мукошифот» дея аталишига битта рубоийнинг тўртки бўлгани шоир ижодининг салобатию салоҳиятини англатади. Мукошиф (кашф этувчи) сифатида бу рубоий орқали, авваламбор, озми-кўпми, ҳазрат Огаҳийни кашф этиш, қолаверса, шоир мукошифаси орқали ишқнинг, наинки ишқнинг, балки умрнинг зийнати — ақлу идрокнинг, тафаккурнинг умумбашарий ғояларини англаш туйиш мумкин:

Ўн ақл, тўққуз сипеҳру секиз жаннат.
Ҳам етти мунир ахтару ҳам олти жиҳат,
Ҳам беш ҳису тўрт унсуру уч мавлид,
Ҳам икки жаҳон бир санга айлар хизмат.

Инсонга хизмат қиладиган «икки жаҳон» нима? Қай йўсинда «уч мавлид» хизмат қилади? «Тўрт унсур», «беш ҳис», «олти жиҳат», «етти мунир ахтар», «секиз жаннат», «тўққуз сипеҳр» (тўққиз осмон) ва ниҳоят «ўн ақл»нинг хизматлари нималардан иборат, ёхуд инсон англаши лозим бўлган бу мукошифоти ғайбнинг ечими недур?

Ишқнинг «икки жаҳон» фалсафасига муқайядлиги умр мазмунини белгилайди. Ахир у замин ташвишларидан холи яшай олмайди, севади, севилади. Бу «икки жаҳон»нинг бир нуқтаси. Иккинчи нуқтаси Ҳақ нури билан йўғрилган муҳаббат, яъни ушшоқ аҳлига муборақ дардни иноят этган Холиқ ила ғайбий мулоқот, илоҳий маҳбуб васлига етишмак маҳзари ила музайянлик.

Энди, «икки жаҳон» тушунчасини «у дунёю бу дунё» деб қарашлик ҳам инсонга хос этиқод ҳосиласи. Бу маънодаги «икки жаҳон»ни Оллоҳга хизмат қилишини таъкидланишида улкан умумбашарий ғоя қад кўтаради, яъни инсоннинг Яратганга бўлган ихлосу ишончини, ўзини Ўзига топширганлигини исботи мужассамлашади.

«Уч мавлид» тушунчаси борасида турфа фикрлар мазжуд. Мавлиднинг «туғилган жой», «туғилган замон» луғавий маънолари баробарида, «салос» — уч (3), маволидус-салос-маволиди салоса, яъни жонсиз табиат (тоғу тош, тупроғу сув ва ҳоказо), ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам кўзда тутилади ва бу ўринда маволиди салоса назарда тутилганига шубҳа йўқ.

«Тўрт унсур» — тупроқ, сув, шамол, оловдан яралган дунё хизматингда.

«Беш ҳис» — тўғрисида буюк ҳаким Абу Наср ал-Фаробий шундай деган: «Ҳис этиш хусусиятларининг фаолияти беш хилдир (кўриш, ҳид сезиш, таъм-маза билиш ва тери сезгиси). Таъм билиш сезгиси билан инсон ширин ва аччиқни бир-биридан ажратади, аммо гўзаллик билан хунукни, зарар билан фойдани ажрата олмайди».

Шу боисдан ҳам ҳис этишнинг барча хусусиятлари яхши яшаш учун, борлиқ ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлмоқлик учун берилган Оллоҳнинг буюк иноятидур.

«Олти жиҳат» — олти тараф, олти томон (ўнг, сўл, олд, орқа, уст, паст)лар хизмат қилади. Рамзий маънода уст-осмон-руҳият, ост-ер-борлиқ, орқа-аждод, олд-авлод, ўнг-тасаввур, сўл-тасаввурнинг ифодаси бўлмиш тасвир, ақлий ва жисмоний меҳнат (А. Иброҳимов, Х. Султонов, Н. Жўраев. «Ватан туйғуси». Т.: «Ўзбекистон», 1996. -64 б.).

Огаҳий «етти мунир ахтар» дея, устози айтмоқчи «етти кўк»ни назарда тутган, чунки Навоий «Сабъаи сайёра»га замири (дили) боғланиб, «Лутф бу назм аро бағоятдур, Фараз аммо ети ҳикоятдур», дегани ҳам етти сайёрага ишора дур.

«Секиз жаннат» борасида барча уламолар зикри мавжуд.

«Тўққуз сипеҳр» — тўққиз қават осмоннинг яралиши Тангрининг қудратига ва яна Ўзига хизмат қилишига ишорадир.

Ва ниҳоят, рубоийда келтирилган 10 рақами — «Ўн ақл» борасида ҳақиму ҳукамоларнинг, дониш аҳлининг эътирофича ва битикларда қайд этилишича, башариятнинг бениҳоя кенг тафаккур хазинасидир.

Тафаккур тожи бўлмиш ақл сифатлари хирманини бармоқ букиб, 10 гача санаш ҳам мумкин: идрок, зеҳн, донолик, билимдонлик, фаҳм-фаросат, ҳушёрлик, онглилик, мафтунлик, мулоҳазалик, тажрибалилик. Шуларнинг бари мужассамлашган одамларни етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини тушунувчи нозиктаъб инсонлар сирасига киритиб, ақли жавҳаршунос демак мумкин.

Хуллас, мустақиллик янги-янги мушоҳадалар, хилма-хил ҳулосаларни эркин баён қилувчи ОЗОД ИЛМга йўл очди.

*Юсуфбой ЮСУПОВ,
аспирант*

ОГАҲИЙ ЛИРИКАСИДА КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИ

Мумтоз адибларимиз ижоди, адабий-маърифий, фалсафий-эстетик қарашларини ўрганиш миллий мафкурамиз асосларидан

бири ҳисобланади.

Оғаҳий ижодида комил инсон ғояси мавзусини ўрганиш бугунги кунда баркамол авлод тарбияси, унинг мезонлари масалаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Оғаҳий ижодини фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш, XIX асрдаги ижтимоий фикр тараққиётини илмий ҳолис баҳолашга имкон яратади.

Жаҳон маданияти ютуқларига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимиз маданий ва маънавий меросининг теранлиги англаб олинмоқда. Зеро, ҳар бир авлод ўз ўтмишига, олийжаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараши, уларни асраб-авайлаши зарур. Ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш, улар билан ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилган. Халқимизнинг миллий ўзлигини англаш жараёнини чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий етуқлиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу ҳаётбахш заминга таянади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, *«аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар»*.

Барча халқларнинг тараққийпарвар ва гуманист мутафаккирлари ижодида бўлгани каби, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижодида ҳам инсон концепцияси марказий ўрин тутган. Хусусан, Навоий ижоди бунга ёрқин мисолдир. Навоий инсонни мукаррам махлуқ, яъни эҳтиромга лойиқ зот, Тангрининг ердаги халифаси дея улуғлаган, инсон кўнглини эса пок саждагоҳ сифатида талқин қилган. Чунончи, бир ғазалида,

Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.

Худди шу маънода «Каъбадур кўнгли Навоийнинг» лутфини ҳам учратамиз.

Оғаҳий ижодига назар солар эканмиз, унинг кўп жиҳатдан Навоийга муносиб ворис эканлигини кўрамиз. Комил инсон талқинини Оғаҳий ижодида тадқиқ этар эканмиз, шоир ижодининг муҳим сарчашмаларидан бири Навоийнинг бадий мероси деб қараш ғоят ўринлидир. Оғаҳийнинг фалсафий дунёсини янада кенгайишида XIX асрда юксак чўққиларга кўтарилган Хоразм адабий муҳити, қардош адабиёт

вакиллариининг (Фузулий, Бедил ва бошқа) асарлари ҳам муҳим рол ўйнаган.

Огаҳий лирикасида комил инсон муаммосининг акс этишидаги ўзига хослик бор. Огаҳийнинг нафис шеъриятида лирик қаҳрамоннинг интим кечинмалари ўй-орзусигина эмас, балки умуминсоний хислатлар ва муаммолар ҳам ўзининг ифодасини топган. Огаҳий наздида комил инсон бўлишнинг зарур шартларидан бири маънан бой бўлиш, хокисорлик, инсонга инсон даражасида муомала қила билишлик, ўзини ўзгача устун деб билмасликдир. Такаббурлик одамни эл наздида мардуд қилиб қўяди ва маънавий дунёсининг инқирозига сабаб бўлади. Истеъдодли шоир буни қуйидаги байтда ғоят санъаткорона ифода этган:

Такаббур бодасин ичмақдин аъраз айлаким, шайтон,

Бу май кайфиятидин то абад мардуду малъундур.

Огаҳий ғайриинсоний хулқ-атвор ва хусусиятларни бадий санъат турларидан моҳирона фойдаланган ҳолда баён қилган. Масалан, қуйидаги байтда Қоруннинг хасислик, бахиллик оқибатида энг тубан жойдан макон топганлиги ва Мусонинг эса ҳиммат хосиятидан Тур тоғи бошида ганжга, Илоҳ дийдорига эришиши васф этилган:

Кўр шомити хиссатни-ю хосияти ҳимматником,

Қорунғадурут тахтуссаро, Мусоға фавқи Тур ганж.

Этибор берсак, икки қарама-қарши хислатни бу қадар аниқ, ва таъсирли қиёслаш теран бадий маҳорат натижасидагина юзага келганлигини кузатиш мумкин.

Огаҳийнинг тафаккур хазинасида бундай назмий жавоҳирлар беҳисобдир. Дарвоқе, илоҳий истеъдод, маърифат ва маънавият орқали комилликка интилган Огаҳийга «беҳуда эрмас осмондин бу лақаб пайдо».

Миллий истиқдол мафкурасини такомиллаштириш долзарб вазифа саналаётган бугунги кунда Огаҳий каби ажодларимизнинг ижодини, хусусан, фалсафий-маърифий қарашларини ўрганиб, кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Огаҳий таваллудининг тантанали нишонланганлиги бобокалонимиз ижодини ўрганишга берилаётган катта эътиборнинг ёрқин намунасидир.

*Мағраҳим САФАРБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди,
катта илмий ходим, Маъмун академияси*

«АВЕСТО»ДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИНЪИКОСИ

Зардуштийлик дини Шарқ, хусусан, Марказий Осиё ва Эрон халқлари юксак тафаккурининг маҳсулидир. У фақат ақида ва ахлоқ меъёрлари мажмуи бўлибгина қолмай, балки реал ҳаёт ва илмга асосланган дунёқараш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ўз ичига олган кенг қамровли мураккаб таълимотдир. Унинг муқаддас китоби — «Авесто» яратилганлигининг тантанали нишонланиши Мустақиллик берган имкониятдир.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу ногир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»¹.

Биз «Авесто»да аждодларимиз тафаккурининг тадрижий ривожланиш босқичларини кўрамыз. Масалан, «Авесто»нинг Яшглар қисмида — Семурғ ҳақидаги афсона кенг ўрин олган. Семурғ ўзбек халқ эртақ ва афсоналарида қаҳрамоннинг меҳрибон дўсти, уни «Етти жаҳаннам ичи»дан олиб чиқувчи халоскор қуш сифатида тасвирланган.

Умуман, туркий халқлар орасида Семурғнинг Хумо, Анқо, Давлат қуши, Бахт қуши, Мурқамомо, Кунтубулғон ва бошқа номлари бор. Бу қуш туркий халқларнинг аситир тафаккурида

бахт ва озодлик қуши ҳисобланади.

1998 йили қорақалпоғистонлик археолог олимлар Кердер қалъасидан IX асрга оид лаганга чизилган рангли Ҳумо қуши суратини топган эдилар². Унда Ҳумо қуши қанотини ёйиб турибди. Қушнинг кўксига эса думи балиққа ўхшаган илон тасвирланган.

Ҳумо қушининг кўксига ўралиб турган илон эса туркий халқлар асотир тафаккурида ақл-заковат, ботирлик, соғлик, тинчликсеварлик белгиси ҳисобланади. Илоннинг инсон соғлигига фойдали эканлиги маълум бўлган ва у табобатда кенг қўлланилган. Суратдаги илоннинг кўриниши соғликни сақлаш соҳасида амалда бўлган ҳозирги белгига жуда ўхшайди, фақат заҳар солинадиган идиши йўқ, холос.

Тарихдан маълумки, 12 минг йил илгари ўқ-ёй кашф этилган, 9 минг йил илгари эса сопол идишлар яратилган. Бронза даврига келиб илк шаҳар жамоаси — шаҳар давлатлар пайдо бўлган. Давлатларнинг пайдо бўлиши билан давлат рамзлари — Ҳумо қуши ва илон-балиқ сурати солинган «тамға»лар, давлат мадҳияси — гимн мақомида бўлган «*Митра ҳақида алқов*» вужудга келган. Албатта, «Авесто»да турли маъбудалар ҳақида алқовлар мавжуд. Лекин уларнинг ичида Қуёш худоси — «*Митра алқови*» асосий ва устивордир. Чунки, Зардуштийликда олов билан боғлиқ маросимлар асосий ўринда туради ва эзгулик кучлари ғояси билан қўшилиб кетади. «Авесто»да жамиятнинг ижтимоий тизими ҳақида ҳам қимматли маълумотлар мавжуд. Ҳокимиятни — хишастара, ҳукмдорни — шаҳриёр деб аташган. Хишастара билан эзгу фикр бирлашса, мамлакатда фаровонлик ҳукм суради, деган ишонч бўлган. Ахриманнинг ёвуз ишларини эзгу фикрни қўллаб-қувватловчи ҳокимият бартараф этади, деган ақидага амал қилинган. Оила — имана, уруғвич, қабилазанту, қабиалар уюшмаси — дахья, оқсоқоллар кенгаши — варзанопати, ханжамона, халқ мажлиси — вяха деб аталган. Жамоа ва қабила бошлиқлари исмига «пати» сўзи қўшилиб айтилган.

Келтирилган фикрлардан шу нарса аёнлашадики, «Авесто» шаклланган даврда қадимги Туронзаминнинг ажралмас бўлагини ташкил этган Хоразмда юксак маънавият ва миллий давлатчилик мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам «*Зардуштийликнинг муқаддас*

китоби, «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир»³, деб таъкидлаган эди Ислом Каримов.

Мустақил Ўзбекистон гербининг марказида олийжаноблик ва фидойиликнинг тимсоли бўлган афсонавий Хумо қуши қонотларини ёйиб турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Демак, гербимиздаги рамз ва тимсоллар тасодифий эмас, балки истиқдол шарофати билан 2700 йиллик асл тарихимизга, ўзлигимизга қайттанлигимизнинг яна бир далилдир.

¹ Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ» нашриёти, 1998. 10-бет.

² «Туркистон» газетаси, 1998 йил 7 октябрь.

³ Ислом Каримов. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик сўзи. Асарлар, 6-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998. 368-374- бетлар.

*Хушнуд БОБОЖОНОВ,
профессор
Абдулла СОТЛИҚОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент*

«АВЕСТО»ДАГИ ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ҲОЯЛАР

«Авесто» Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон, Озарбайжон, Шимолий Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган зардуштийликнинг ягона диний китоби бўлиб, унда ана шу халқларнинг узоқ ўтмишдаги фалсафий, илмий, маънавий-ахлоқий қарашлари акс этган қомусий асардир. Аждодларимизнинг бебаҳо маданий мероси саналган бу китобда

маърифатли жамият асосини ташкил этувчи инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби олийжаноб ғоялар мужассам бўлган, разолат ва жаҳолат, риёкорлик ва дилозорлик қораланган, илм-маърифатли, ақл- заковатли фидоий инсонлар улуғланган. «Авесто»да баён этилган зардуштийликнинг дуалистик ғояси марказида — олам иккита ибтидо, яъни ёруғлик ва қоронғулик, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва жаҳолат ўртасида абадий давом этаётган кураш негизига қурилган.

Меҳнатсеварлик ва ўзи яшаб турган она заминни, Ватанни севиш, унинг зилол суви, муқаддас тупроғи, ҳавоси, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инсон маънавий камолотининг юксак нишонаси сифатида улуғланган. Зардушт Ахурамаздага қараб: «Эй, оламни яратган зот! Эй, Ҳақиқат! Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган шахс ким?», деб сўрайди. Ахурамазда шундай жавоб беради: «Эй, Зардушт, ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир. У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зот, бахтиёр инсон ҳисобланади». «Авесто»нинг III бўлими 24-қисмида ушбу фикр ривожлантирилиб, «... узоқ вақт экилмаган ва омон тегмаган замин (ер) бахтсиздир. Бу замин омонни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстиқдошга интиқдир», дея ер қиз бола қиёфасида тасвирланган.

Ўзгалар меҳнати эвазига яшайдиган ишқмас кишилар «Эй, Сен одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, абадулабад бош эгиб туражаксан!», дея қораланган.

Дехқончилик фаровон ва осойишталик манбаи бўлиши билан биргаликда, унинг ёвузликларни бартараф этиши тарғиб қилинган: «Ким ғалла экса, олийжанобдир... Ғалла эккан киши эзгулик уруғини сочади, Маздага эътиқодни кучайтиради, эътиқодни мустаҳкамлайди. Чунки буғдой ўстирила бошланса, девларни қора тер босади, совурилган буғдой тайёр бўлса, девлар заифлашиб қолади: ун тайёр бўлгач эса девлар нола-фигон чекишади... Девларни мағлуб этиш учун хонадонда ҳамиша унли овқат бўлиши лозим—бу овқатни егандан сўнг, девлар жуда қизишиб кетишади ва кўрққанидан қоча бошлайди».

«Авесто»да юрт бошлиқлари ва ҳукмдорларга қарата айтилган ҳикматлар ҳам бор. Бу чуқур фалсафий фикрлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

«Авесто»да ёшлар тарбиясига, айниқса, илмий-маърифий, жисмоний ва ҳарбий таълим масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Фарзандлар Зардуштийлик таълимоти асосида пок ахлоқди, меҳнатсевар, ростгўйлик руҳида тарбияланган. Болалар тарбияси билан махсус коҳин-муаллимлар шуғулланганлар. Уларга болаликдан Ахурамазданинг эзгулик ғоялари сингдирилган. «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у, аввало, яхши ўқишни ва сўнгра эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин», деб таълим берилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто» фақат диний ақида, қўшиқ ва ривоятлар тўплами бўлмай, балки у ота-боболаримизнинг ўтмишдаги кенг қамровли дунёвий билимлари хазинаси ҳамдир. Шу боис, уни Она Ватанимиз заминида қарор топган илк давлатчилигимизнинг қонун-қоидаларини ўзида мужассам этган муҳим манба дейиш мумкин.

«Авесто»да тавсиф этилган илғор ғоялар, панду насиҳатлар минг йиллар давомида инсониятнинг беғубор қалбини эзгулик нури билан ёритиб келмоқда.

*Мағрим МАТНИЁЗОВ,
профессор,
Урганч давлат университети*

«АВЕСТО»ДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА АХЛОҚ ТАВСИФИ

Жамият ривожланишининг барча босқичларида аёл ва она эзгулик тимсоли — мураббий ва комил инсон, тарбиячи бўлиб келган. Аёлларнинг бу муқаддас бурчи «Авесто»нинг

«Ардовисура», «Оша» қасидаларида айниқса яққол намоён бўлади.

«Авесто»да оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутган. Бола 7 ёшга етгач, унга диний тарбия бериш бошланган. 7 ёшга тўлган ўғил болаларга махсус маросимда «*муқаддас кўйлак*» кийдирилган. Маросим вақтида улар «Авесто»даги эзгулик маъбудаларини улуғловчи дуоларни айтишган: «*Мен зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман*».

Фарзанд балоғатга етгач (15 ёш балоғат ёши ҳисобланган), унга дин, фалсафа, ахлоқ-одобга ўргатилган, художўй, меҳнатсевар, одил қилиб тарбияланишига катта эътибор берилган. Болаларни ўқитиш ва тарбиялашга тааллуқли туркум қоидалар тавсия қилинган: диний тарбия, ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишни ўргатиш, илм-маърифат олиш, меҳнат тарбияси, ҳарбий тарбия ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берилган. Улар болалиқданоқ меҳнатга — кўчат ўтқазиш, уй-рўзғор ишларини бажариш, деҳқончилик ва чорвачиликка ҳамда касб-ҳунарга ўргатилган.

«Авесто»да меҳнат инсон камолоти, ахлоқий поклик, нозу неъматлар яратишнинг манбаи сифатида улуғланган. Шу боис унда чорвачилик ва деҳқончиликка махсус боб бағишланган.

«Авесто»да кўрсатилишича, оилавий қувноқлик ва бахтиёрлик манбаи яхши кун кўриш учун зарур бўлган нарсаларнинг мўл-кўлчилигидадир. Оч қолиш ва етарли овқат емаслик кишиларнинг ахлоқ-одобига ҳам салбий таъсир кўрсатиши алоҳида қайд этилган. Шу боис, «озик-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-одоби ҳам яхшиланади, овқат мўл-кўл бўлса, илоҳий сўзлар яхшироқ идрок этилади», деган ғоя илгари сурилган.

Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун «Авесто»да қариндош уруғларнинг ўзаро оила қуриши қатъиян ман қилинган. Кўп болали оилаларга жамоат томонидан ёрдам бериш лозимлиги, «*аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган ер энг ёмон замин*» эканлиги алоҳида таъкидланган.

Зардуштийлик ахлоқининг моҳиятини «*эзгу фикрат*», «*эзгу қадам*», «*эзгу амал*» каби уч асосий тамойил ташкил этади. Ана шу учликни қалбига жо қилган инсоннинг юраги ўта пок бўлиши ўқтирилган.

«Эзгу фикрат» тамойилидаги «фикрат» сўзида яхши ният, одамларга яхшилик қилиш, зарур бўлганда, мадад бериш,

уларнинг бахт-саодати учун ёвузликка қарши курашиш, барча билан тинч-тотув яшашга интилиш каби қадриятлар ифодаланган. «Эзгу» сўзида эса бошқаларга бахиллик қилмаслик, бировга ҳасад қилишдан, ўғрилик, талончилик, ўзгалар молини ўзлаштиришдан, зебу-зийнатга берилишдан, бировларнинг кўнглини оғритишдан ўзини тийиш, ваъдага вафо қилиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш ва қарзларни вақтида тўлаш маънолари мужассам бўлган.

Зардуштийлик иймони 3 таянчга — фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги ва амалдорларнинг инсонийлигига асосланади. Одамлар ўз истакларида холис бўлишлари, бир-бирлари билан муроса қилиб яшашлари, ғайриқонуний ишлардан сақланишлари лозим. Берган сўзнинг устидан чиқиш, шартномаларга қатъий риоя қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш зардуштийлик иймонига хос хислатлардир. «*Софдил қалбларни фалокатга маҳкум этиб, Юрт тинчлигини бузган муттаҳаму сотқинлар юзта аблахдан ёмон, ўз сўзига турмайдиган бевафодир*». (Авесто, Избранные гимни. Душанбе: Адиб, 1990, 54-бет).

«Авесто»даги жамиятда учраб турадиган ноинсоф, иймонсиз, беодоб муттаҳаму сотқинларга қарши айтилган мазкур сатрлар барчамизни ҳамиша огоҳ бўлишга, 10 ёшга тўлган Мустақилликнинг белига қувват, кучига куч бўлиб қўшилишга даъват этади.

*Бахтиёр ДҶСҶОНОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг
Урганч филиали директори*

«АВЕСТО» ВА ТИББИЁТ

Мустақил Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир юрдошимиз бугун она-Ватан сўзининг муқаддаслигини, ҳуррият ва демократия ғояларининг ҳаётбахшлигини, истиқлолдек улуғ

неъматнинг қадр-қимматини бутун қалби билан ҳис қилиб, уларни тафаккури ва юрагига сингдирган ҳолда меҳнат қилмоқда. Бу шарафли жараёнда чуқур мазмун-моҳият касб этаётган улуғвор ишлардан бири миллий қадриятларимизнинг тикланиши, уларнинг халқимизга қайтарилишидир. Нафақат миллий, балки умуминсоний мерос даражасига кўтарилган энг нодир ва ноёб манбалардан ҳисобланмиш «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигининг халқаро миқёсда нишонланиши ушбу залворли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

«Авесто»да ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига доир энг қадимги маълумотлар жамланган. Хусусан, унинг «Видевдат» қисмидаги инсоннинг саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилишга оид қимматли қонун-қоидалар, маслаҳат ва талаблар тизими бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

«Авесто»да одам анатомияси ва физиологияси, турли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда даволаш йўллари, доривор гиёҳлар ва улардан шифобахш шарбатлар тайёрлаш усуллари, санитария-гигиена талаблари ҳақида сўз юритилади.

Инсон саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида ахлатлар ва мурдадан узоқроқ бўлиш кераклиги, уларнинг одамлар учун хатари кўрсатилган. Мурдани сувга чўктириш, ерга кўмиш қаттиқ тақиқланган. Китобда *«Инсон бутун умри давомига сув, тупроқ, ҳаво, олов, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир»*, — деб таълим берилади.

«Авесто»да табиблик касби, ёш табибларнинг қай тарзда мустақил иш бошлашлари ҳақида ҳам ёзилган. Ёш табиб беморни мустақил даволаш ҳуқуқига эга бўлиши учун камида уч касални даволаб, ўз билим ва маҳоратини исботлаши зарур ҳисобланган. Айниқса, жарроҳ, тиш, кўз касалликларини даволайдиган ва ҳомиладор аёлларга қарайдиган табибларга талаб катта бўлган.

«Авесто»да ёзилишича, ўлим — иссиқлик мувозанатининг бузилиши натижасида организмнинг ўз-ўзидан ёнишидир. Касаллик эса организм аъзолари орасидаги мувозанатнинг совқотиш, кўп ишлаш, чарчаш натижасида бузилиши оқибатида келиб чиқади, деб таълим берилган.

Китобда табиб маданияти, одоби, ахлоқи, унинг касбига фидойилиги ва меҳнатини қадрлашга ҳам алоҳида ўрин

ажратилган. Табиб маънавий, руҳий жиҳатдан пок бўлмоғи, эътиқоди мустаҳкам, турмуш тарзи покиза, либосию асбоблари махсус суюқликларда тозаланган бўлиши лозимлиги уқтирилган. Ундан ширинсуханлик, беморга яхши сўзлар билан руҳан таъсир кўрсатиш, шифо топишига ишонч уйғотиш маҳоратини эгаллаш талаб этилган, ўз билим ва маҳоратини доимо ошириб бориш зарурлиги қайд этилган.

«Авесто»да инсон касалликларининг муҳим сабабларидан бири — овқатланиш тартибининг бузилиши деб кўрсатилган. Инсонларнинг вақтида сифатли овқатлана олмаслиги ёки ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилиши натижасида ошқозон-ичак, юрак-асаб, қон-томир касалликлари вужудга келиши қайд этилган. «Ясна»нинг 33-бобида — «Еб-ичмайдиган одамнинг тоат-ибодат қилишга кучи бўлмайди, эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, бола туғдира олмайди.... Озиқ-овқат яхшиланиши билан халқнинг ахлоқ-оғоби ҳам кучаяди. Овқат мўлк бўлса, илоҳий сўзлар яхши идрок этилади» — дейилган.

Китобда уч хил даволаш усули келтирилган: пичоқ, доривор ўсимликлар ва ширин сўз. Аждодларимиз беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун оташкадалар ҳузурида махсус дармонгоҳлар (поликлиника), сиҳаттоҳлар (касалхоналар) бунёд қилганлар, бу соҳа ўша даврда ҳам давлат тасарруфига олиниб, даволаш йўллари мунтазам такомиллаштириб борилган.

«Авесто»даги тиббиётга оид фикр-мулоҳазаларни қуйидагича тасниф этиб ўрганиш мумкин:

1. Ташриҳ (анатомия) ва мизон (физиология).
2. Касалликнинг олдини олиш воситалари.
3. Касалликлар ҳақида маълумотлар.
4. Беморларни даволаш усуллари.
5. Табобатга оид қонун-қоидалар ва табиблар маданияти, уларнинг бурч ва масъулиятлари.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Авесто орқали бундан деярли уч минг йил аввалги аждодларимизнинг тиббиёт соҳасидаги илми ва амалиёти ҳақида бой маълумотларга эга бўламиз. Унда олға сурилган ғоялар кишиларни руҳий ва жисмоний покликка, ўзини, хонадонини, теварак-атрофини озода сақлашга даъват этади. Бу эса, ўз навбатида, табиатни, жамиятни обод этишга бўлган даъватдир.

Комилжон НУРЖОНОВ,
«Олтин мерос» халқаро жамғармаси
Хоразм вилоят бўлимининг раиси

«АВЕСТО» ҚАДАМЖОЛАРИНИ ИЗЛАБ...

Жаҳон авестошунос олимлари XX асрнинг охирларигача зардуштийлик китоби «Авесто» яратилган жой масаласида турлича тахминларни ўртага ташлаб келдилар. Бир гуруҳ олимлар уни қадимий Мидия, Бақтрия, Марғиёнада яратилган десалар, яна бир гуруҳи Сўғдиёна Атропатен (Озарбайжон) ўлкаларида пайдо бўлган деб даъво қилдилар.

И. Маркварт, Г. Ньюберг, Э. Бенвенист, С. Толстов, Яҳё Фуломов, М. Исҳоқов каби олимлар эса «Авесто» ёзувлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва археологик қазिशмалардан келиб чиқиб, Хоразм — «Авесто» ватани деб таъкидладилар.

Юртбошимиз И.А.Каримов 1997 йил 20 октябрда Хива шаҳрида ва 1999 йил 5 ноябрда Урганч шаҳрида сўзлаган нутқларида Хоразм «Авесто» ватани эканлигини эслатиб, бундай дедилар: *«Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воҳасида қўйилган, шу маънода миллий давлатчилигимизнинг тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айни Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир».*

ЮНЕСКО ташкилотининг XXX сессияси (1999) қарорига мувофиқ, «Авесто» яратилганининг 2700 йиллиги жаҳонда, жумладан, Ўзбекистонда кенг нишонланадиган бўлди. Табиийки, илм-фан муҳолифларига бу ҳақда рад қилиб бўлмайдиган исбот-далилар керак эди. Тўғри, бундан 50-60 йиллар муқаддам Хоразм тарих, археология ва этнография экспедицияси рад этиб бўлмайдиган ашёвий далиллар топиб, бу ҳақда ўнлаб монографиялар нашр қилинди. Лекин илм-фанда масалани ашёвий далиллар, мантиқий хулосалар ҳамда холисона

тадқиқотларга таянган илмий анжуманлар ва жамоалар ҳал қилади.

Мустақиллик мафкураси тамойилларидан келиб чиққан хоразмлик ўлкашунослар илм-фандаги мунозарали масала ечимига ўз ҳиссасини қўшиш лозимлигини ҳис қилиб, 2000 йилнинг август-ноябр ойларида «Авесто» қадамжолари» бўйлаб халқаро экспедиция ташкил этдилар. Экспедиция икки қисмдан иборат бўлиб, икки йилга мўлжалланган халқаро илмий-амалий тадбир эди. Жамоага тарих, археология, этнография, топонимика, мифология, география фанларига доир ўндан зиёд ўлкашунос олимлар жалб этилди.

Дастурнинг биринчи босқичи мамлакат бўйлаб, иккинчиси чет эллардаги «Авесто» қадамжолари»ни излаб топиш ва эзгу гояларини кенг жамоатчиликка етказишдан иборат эди. Экспедиция жараёнида 50дан зиёд кўҳна қалъалар, 100 дан ортиқ қишлоқ-элатлар ўрганилди, минглаб кишилар билан суҳбатлашилди, тарихий ашёвий далиллар тўпланди ва таҳлил этилди.

Дарҳақиқат, экспедиция жараёнида ўрганилган қалъалар, тўпланган ашёвий далиллар, топонимик ва мифологик афсоналар Ўзбекистон, хусусан, Хоразм воҳаси «Авесто»нинг ватани эканлигини тўла-тўғис исботлади.

Биринчидан, Хоразм воҳаси дунёнинг икки буюк саҳроси Қорақум ва Қизилқум оралиғида жойлашган ўзига хос иқлим-табиатта эга кескин континентал ўлка бўлиб, ёзи 45-48 даража иссиқ, қиши 25-31 даража совуқлиги кузатилган жутрофий минтақадир. Ўлкада илк тош (палеолит) давридан бошлаб яшаб келаётган аجدодларимиз ўт-улов, ер-сув ва қуёшни муқаддас деб билганлар ва ҳозиргача воҳа аҳолиси орасида ўт-улов билан боғлиқ 12 хил удум, ирим-сиримлар сақланиб қолган. «Исириқ тутатиш», қабр ёнида чироқ ёқиш, келин тушган аравани гулханча устидан ўтказиш, ҳаром деб ҳисобланган нарсаларни ўтда «тозалаш», от ва итни вафодор деб ҳисоблаш, қўчқор ва балиққа эътиқод билан қараш шулар жумласидандир.

Иккинчидан, дунё археологлари 60 та оловхона ва оташхоналарни рўйхатга олганлар. Шундан 7 таси Эронда, 2таси Озарбайжонда, 2 таси Ҳиндистонда, 5таси Туркманистонда, 3таси

Афғонистонда, 35 таси Ўзбекистонда (жумладан 17 таси Хоразм воҳасида) жойлашган. Ҳозиргача Гаур қалъа деб номланиб келинаётган археологик қалъаларнинг 5 таси аслида мажусий-зардуштийлардан қолган.

1937–2000 йилларда хорижлик ва маҳаллий археологлар текшириб чиққан Ёнбошқалъа, Қуйқирилган, Қўрғошин, Бургут, Чилпиқ, Маздахкон, Хива, Ҳазорасп қалъалари ҳам оташпараст аждодларимиздан қолган бебаҳо тарихий ёдгорликлардир.

Учинчидан, экспедиция жараёнида рўйхатга олинган ва ҳозиргача қадимги хоразмийлар тилида аталиб келинаётган юзлаб топонимик жой номлари: Маздубаст–Мазда тўғони (Туямўйин), Маздакхон–Мазда–канд (Хўжайли), Хуштимитон–Хушти–Митон (Қуёш маъбудаси шарафига аталиб келинган Митан–Монок қишлоғи), Бетнак — «Кичик воҳа–Питнак» қишлоқ номи, Индавак Хосиён, Журён, Ирдимзон, Навхос, Капарас, Елхарос, Урга, (Урва–Урвин кўли), Вурукаш (Орол), Ардва ёки Дантия (Амударё), Аэрон–Вейжох–Хворасмия каби тарихий архаик жой номлари — атамаларнинг мавжудлиги.

Тўртинчидан, воҳа аҳолисининг «Авесто»да санаб ўтилган тўрт унсур: ер, сув, ўт–олов ва ҳавони муқаддас билиб келиши ҳамда бу эътиқодни қалбининг тубида асраб–авайлаб сақлаши юқоридаги фикримизнинг исботидир. Билъакс, дунёнинг бирон бурчагида марҳумлар тупроқ устига даҳма–мозор қуриб қўйилмагани ҳолда бу урф–одат айна Хоразмда ҳамон давом эттирилмоқда. Тўғри, воҳанинг жанубида жойлашган Питнак ва Янгибозор (Ҳазорасп) қишлоқларида марҳумлар ер остига 2 метрлик гўр қавланиб жойлаштирилади. Бундай удум ўлканинг бошқа бирон қишлоқ элатида учрамайди. Айрим этнограф–тарихчилар бу удум–қондани «Хоразмда ер ости сувлари яқин бўлгани учун ҳам марҳумлар тупроқ устига даҳма–мозор қуриб қўйилади» деб изоҳлайдилар. Аслида — бу зардуштийликдан қолган удум бўлиб, унда ер ҳам табаррук ҳисобланган.

Экспедиция жараёнида ер майдони 50–70, ҳатто 100 гектарлик баланд тепаликка қурилган мазористонларни кўрдик, жумладан, Султон–Увайс тоғи, Устюрт кенгликларидаги қабристонлар ер

сатҳидан 110-140 метр баландда жойлашган Довуд ота, Гаур қалъа ва Буракхон қабристонларида исломгача ҳукмрон бўлган зардуштийлик эътиқоди излари шакл-шамойилидаги номаълум битиклар сақланиб турибди. Афсуски, биз ушбу битикларни ўқий олмадик.

Хоразмликларнинг урф-одати, феъл-атвори, турмуш тарзи, санъати ва шеvasида анъанавий сўзлар, сонлар, архаик элементлар борки, уларни қайта ўрганиш лозим.

«Оразибор» Отар-ораз ўт-олов, посбони «Лазги», «Чағаллоқ», «Раталла», «Жаҳу-жаҳу» каби рақслар шулар жумласидандир.

Биз қадимий Мазда қалъасида (Хўжайли) 7 гумбазли ва узунлиги 24 метрлик Шамун Наби, ярмигача ер остига кўмилган 10 метрлик Мазлумхон сулув мақбарасини ва 22 метрлик рамзий тобутни кўрдик. Буни қарангки, 4,8,16,24,32,64 рақамлари «Авесто» китобида хосиятли рақамлар сифатида тилга олинган. Қаршимизда турган ўша Шамун Наби қабри ва унинг устига ўрнатилган рамзий тош нова (сув ўтказгич)нинг ёнбош томонида 8695 рақами битилган ёзувга кўзимиз тушди. Шуниси ажабланарлики, ушбу сирли рақамлар ҳақида фанда ҳозиргача бирон жўяли гап айтилмаган.

Мулоҳазаларни якунлаб, шуни айтиш мумкинки, «Зардуштийлик» дини Ҳиротдан то Орол денгизигача чўзилган ҳудудларда пайдо бўлган ва сўнгра бошқа жойларга тарқалган.

«Ҳеч кимса ўз юртида пайғамбарлик мартабасига эриша олмагани ҳақида»ги эски ҳикматдан келиб чиқиб, дадил айтиш мумкинки, «Авесто» китоби Қуйи Амударё-Орол денгизи бўйларида яратилган ва сўнгра жаҳон фотиҳлигини даъво қилиб тарих саҳнасига чиқаётган Каёнийлар давлати учун мафкуравий қурол сифатида Эрон подшолари томонидан давлат дини сифатида қабул этилган. Вақт ўтиши билан қарам бўлган ўлкаларга сингдирилган. Юқорида кўрсатилган далил ва исботлардан келиб чиқадиган якуний мантиқий хулоса шуки, Ўзбекистон — Хоразм бешигини тебратиб, «Авесто»ни вояга етказган муқаддас заминдир.

Ҳамидбек ЮСУПОВ,
аспирант

«АВЕСТО»ДАГИ ЙИМА ВА «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»ДАГИ СУЛАЙМОН ОБРАЗЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Халқ донолиги ифодаси бўлмиш «Авесто»да эзгулик ғоялари бир қанча образлар — одамлар, дев-у парилар, жин ва фаришталар, Ахурамазданинг ёрдамчилари бўлган маъбуд ва маъбудалар орқали берилган. Улар ичида тарихий (Зардушт, Виштасп каби) шахслардан кўра афсонавий-рамзий образлар кўпроқ кўзга ташланади. Шу қаҳрамонларга нисбат берилган хусусиятлар Ислом дини ақидаларига хос бўлган образларга ҳам кўчиб ўтган.

Бундай ҳол Йима (Жамшид) билан Сулаймон образларида ҳам кўзга ташланади. «Авесто»да у адолатли ва марҳаматли подшо, девларни енгган баҳодир жангчи сифатида тасвирланади¹. Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асаридаги Сулаймон образида ҳам шунга ўхшаш сифатларга дуч келамиз.

Аввало, бу иккала образ тарихда ўз прототипига эга эканлиги билан бир-бирига ўхшашдир. Эрондаги пешдодийлар сулоласига мансуб Жамшид исми подшо Йима образи учун, милоддан аввалги 965-928 йилларда Исроил-Иудея подшолиги ҳукмдори Сулаймон (яхудий ва христиан диний адабиётларида Соломон) эса Рабғузий қиссаларидаги Сулаймон образи учун прототип бўлиб хизмат қилган.

Йиманинг фаолиятида унинг бошига қўнган бахт қуши — Хварнонинг роли бўрттириброк кўрсатилади. Йиманинг кўнглига ёлғончилик ҳаёли келганда унинг бошидан Хварно учиб кетади ва қилган гуноҳи натижасида дунёда яхшилик ва ёмонлик аралашиб кетади. Бу «Авесто»да, «Замйад яшт»нинг 31-бандида шундай таърифланган:

Шунда гўзал Йимахшайт
Тўқ подалар соҳиби
Ғамгин кетди тентираб
Ўзи тузган ер бўйлаб,
Душманларга бериб чап.

Сулаймоннинг фаолиятида эса, асосан, унинг қўлидаги сеҳрли узук етакчи рол ўйнайди. Сулаймон гуноҳ қилганида Оллоҳнинг амри билан унинг узугини Ҳақиқ деган бир дев қўлга киритади ва Сулаймон қирқ кун дарбадарликда юради. Охири Оллоҳга тавба қилиб, узугини яна қўлга киритади, шунгача унинг хизматидагилар ўзбошимчаликка берилган бўладилар².

Бу образлар учун умумий бўлган сифатлардан учинчиси — уларнинг бутун ер юзига подшо бўлганликларидир. «Замйад яшт»нинг 31-бандидан мисол келтирамиз:

Қўнди Йима Хшайатийага
Подалари тўқ, семиз
(Ернинг илк подшосига).
Узоқ муддат шоҳ бўлди,
Етти кишвар шод бўлди...

Энди «Қисаси Рабғузий»дан олинган жумлага эътибор берсак: «Аймишлар, қамуғ дунёни тўрт ким эрса тутгилар: икки мусулмон, икки кофир. Мусулмон Сулаймон ялавоч тақи Зулқарнайн, кофир Намруд тақи Бухтнаср»³. Кўринадики, Йима илк бора бутун ер юзига подшо бўлиб, Ахурамаздадан хабар берувчи ҳамдир. Сулаймон ҳам шундай: ҳам Оллоҳнинг пайғамбари, ҳам ер юзининг подшоҳи бўлади. Йима Ахурамазда кўрсатмаси ва ифодаси билан ер юзини уч марта кенгайтиради. Сулаймон образида бу ҳол бошқачароқ намоён бўлади: у инсонлардан ташқари, ҳайвонот ва наботот оламига, шамол ва булутларга, тоғлар, ер-сувларга ҳам ўз ҳукмини ўтказувчи подшо сифатида кўзга ташланади. Булардан ташқари, у шу пайтгача одамлардан четда — тоғлар ортида яшайдиган Акуз Маликни ҳамда бошқа бир тоғ ортида яшайдиган Билқис исмли маликани енгиб, уларнинг мулкларини ҳам ўз тасарруфига олади. Демак, дунёни кенгайтириш, ободонлаштириш вазифаси ҳар икки образга ҳам юклатилган.

Умумийликлардан яна бири (балки, энг муҳими), бу — ўз

худоси учун ибодатхона қуришидир. Ахурамазда кўрсатмаси билан Йима Арийана Вэжа ўлкасида Вара — бутун тирик жонзотлар учун бошпана қуради. Нисбатан кейинги даврлар Эрон мифологиясига кўра, у Хоразмда муқаддас олов — Атур-Фарнбаг ўчоғини ёқади⁴. Сулаймон образига келсак, у Оллоҳдан келган ваҳий асосида Байт-ул-Муқаддас ибодатхонасини (Библияга кўра «Сулаймон маъбади») қурдиради (ҳозирги Қуддус шаҳрида).

Демак, Йима ва Сулаймон образлари ўз прототипига эга бўлганлиги, жамики тирик мавжудотларга ва буткул ер юзига подшо бўлганлиги, пайғамбарлиги, адолатли ҳукмдор-қозини бадий ифода этганлиги, бахт-саодат воситасини қўлга киритиб, гуноҳ туфайли уни қўлдан чиқарганлиги натижасида дарбадар кезганлиги каби бир қатор хусусиятларига кўра ўзаро умумийликка эга.

¹ «Авесто», Ўзбек тили ва адабиёти, 2000 й, 4-сон, 55-бет.

² Рабғузий. «Қисаси Рабғузий» 2-китоб. Тошкент, 1991, 41-45-бетлар.

³ Рабғузий. «Қисаси Рабғузий» 1-китоб. Тошкент, 1990. 60-бет.

⁴ Мифологический словарь, Москва, 1991, с. 265

Жамила ХОЛМУРАТОВА,
тадқиқотчи,
Урганч давлат университети

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Тил — миллат кўзгуси. Бутунги ўзбек тили фонетик, луғавий, грамматик, орфоэпик ва орфографик меъёрларининг бирмунча шаклланганлиги миллатимизнинг улкан ютуғи саналади. Ўзбек тили миллатимиз вакиллариининг ижтимоий алоқасини тўлиқ таъминлашга хизмат қилмоқда. У халқимизнинг ҳар томонлама камол топиши ва тараққиётини белгиловчи асосий омиллардан

бири сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш» тўғрисида қонун қабул қилинган ва уни амалга киритиш тартиби ҳақида қарор чиққан. 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар киритиш ҳақида» қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорда янги ўзбек алифбоси ва имлоси асосида ўқиш ва ёзиш тартиби ҳақида муайян йўналишлар кўрсатиб ўтилган. Бу борада қилинаётган ишларни янада жонлаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- нашр қилинаётган барча ҳуснихат дафтарларида янги алифбо ҳарфларининг ягона ёзма шаклини қўллаш;

- янги алифбо асосида чоп қилинадиган бадиий ва илмий адабиётларда имловий хатоларга йўл қўймасликка эришиш;

- муассаса ва ташкилотлар, кўчалар, дам олиш масканлари ва бошқа жамоат жойларидаги афиша ва шиорларни мутахассис кўригидан ўтказиш;

- тилнинг тараққиётта мойил жараён эканлигини ва ўзбек тилига тааллуқли барча қонун-қоидаларнинг келажакка ҳам хизмат қилиши лозимлигини инобатга олиб, лозим топилганда, уларни такомиллаштириш чораларини кўриш.

Рўзимбой ЙЎЛДОШЕВ,

ўқитувчи,

Урганч давлат университети

ЛОТИН ЁЗУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

Демократик жамият қуриш жараёнида мамлакатимизда қўлга киритилган улкан маънавий ютуқларимиздан бири ўзбек тилига

давлат мақомининг берилиши бўлди. Ҳар бир соҳада қонун устуворлигига амал қилинаётган давлат учун бу зарурий ҳолатдир. Сабаби, тил миллатимизнинг энг буюк бойлиги ва ифтихоридир. Тилнинг обрўси учун кураш — бу миллатнинг обрўси учун кураш билан баробардир. Дарвоқе, тил инсон онгининг, миллат дилининг ифодаси ва намоён бўлишидир. Тил — миллатнинг моддий ва маънавий ҳаётини тўлалигича ўзида акс эттирадиган асосий воситадир. Аждодларнинг табарруқ мероси тил воситасида келажак авлодларга етиб келади.

1993 йил 2 сентябрда «*Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида*»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Буни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётининг ўзи тақазо қилди. Ўзбекистон халқаро миқёсда тан олинди ва мустақил давлат сифатида эътироф этилди.

Ҳозирги пайтда лотин ёзуvidан жаҳон аҳолисининг қарийб 30 фоизи фойдаланмоқда. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жаҳон миқёсига чиқиш, хорижий мамлакатлар билан тўғридан-тўғри дипломатик ва бошқа муносабатларни ўрнатиш учун жаҳонда энг кўп тарқалган тиллар — инглиз, француз, немис, испан тилларини ўрганиш, билиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Лотин ёзувига ўтиш ана шу тилларни пухта ўрганиш ва амалга татбиқ қилиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради.

1993 йилда қабул қилиниб, 1996 йил 6 майда ўзгартиришлар киритилган янги ўзбек алифбосида 26 та ҳарф, 3 та ҳарфлар бўлинмаси бор. Лотин графикасига асосланган ёзувга ўтиш техника воситаларидан кенгроқ фойдаланишга имкон беради, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда муҳим рол ўйнайди.

*Абдулла АБДУРАСУЛОВ,
тарих фанлари номзоди,
катта илмий ходим, Маъмун академияси*

ТАРИХИЙ ВА МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР – ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТИ

(Хива шаҳар «Ичан-қалъа» мисолида)

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.

И.Каримов

Истиқлол йилларида давлатимиз миллий-диний қадриятларимизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланган тарихий обидаларни қайта тиклашга катта эътибор қаратмоқда. Илгари хароб бўлиб ётган юзлаб, балки минглаб тарихий-маданий ёдгорликлар қаддини қайта ростламоқда. Мустақиллик туфайли тарихий ҳақиқат қарор топиб, Хиванинг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Истиқлол йиллари халқимизга қайтарилган миллий-диний қадриятлар хусусида сўз борар экан, жаҳон меъморчилигининг мўъжизаси бўлган Хива обидалари ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Хива меъморий ёдгорликларида мадраса ва масжидлар, минора ва мақбаралар, турар-жой ва саройлар, карвонсарой ва ҳаммомлар бир-бири билан узвий уйғунлашган. Диққатга сазовор томонларидан бири шундаки, улар иқлимга мослаб қурилган.

Шарқдан — Ҳазорасп дарвозасидан Ичан-Қалъа орқали ғарбга қараб қад кўтарган шаклан ва ҳажман турли-туман бўлган Полвон қори, Саид Шоликорбой, Жума, Калта Минор ва Шайх Қаландар

бобо миноралари Хивага бетакрор гўзаллик бахш этган.

Ичан-Қалъани кесиб ўтган асосий қатнов йўли аҳолиси зич жойлашган Дишан-Қалъа маҳаллаларини чегаралаб туради. Уларда ҳунарманд-жамоалар истиқомат қилган.

Шаҳарнинг асосий сув ҳавзалари — Захкаш, Полвонёб каналлари ва Сирчали ариғи Дишан-Қалъадаги боғ ва оромгоҳларни сув билан таъминлаган.

Ичан-Қалъанинг тўртта равоқли дарвозаси бор: шимолда — Боғча дарвоза, шарқда — Полвон дарвоза, жанубда — Тош дарвоза ва ғарбда — Ота дарвоза. XIX асрда Дишан-Қалъа атрофида барпо қилинган 10 та дарвозадан фақат Қўш дарвоза сақланиб қолган, холос.

Шаҳарда сақланиб қолган дастлабки ёдгорликлардан бири — Ичан-Қалъа марказидаги Саййид Аловуддин мақбарасидир. Саййид Аловуддин мақбарасининг жанубида маҳобатли Паҳлавон Маҳмуд мажмуи жойлашган. Мажмуа мақбара, мадраса, корхона, масжид айвонидан иборат. Ўртасида қудуқ бўлган шинам ҳовлига пешгоқли дарвозахонадан кирилади. Уни XVIII асрда Шохниёзхон қурдирган. Бу ерда Муҳаммад Раҳимхон, Абулғозихон ва Анушахоннинг кошинкор сағаналари ва Оллоқулихон қабри жойлашган. Паҳлавон Маҳмуд қабри ёнида Қўнғирот сулоласидан бўлган Хива хонлари мангу ором топган.

1616 йилда Хоразм пойтахти Кўҳна Урганчдан Хивага кўчирилгани муносабати билан Араб Муҳаммадхон мадраса қуришни буюрган. Мадраса ихчамлиги, маҳобати ва муганосиблиги билан эътиборни тортади.

XVII аср ўрталарида Ичан-Қалъанинг шарқий қисмидаги гузарда Оқ масжид қурилган. Гул ўйиб ишланган ёғоч эшикларда усталарнинг исми шарифлари — уста Нурмуҳаммад, уста Қаландар ва икки сана (1838 йил, 1842) ёзилган.

XIX асрда бошларида Элгузархон кўринишхонани қайта тикланган. Тахтсаройи ганчдан ўймакор қилиб безатилган. Унда ёғочдан йўниб ишланган, кумуш нақшли тахт ўрнатилган. Тахтни 1816 йили маҳаллий уста Муҳаммад ясаган.

Зарбхона ва олди айвонли масжид бир вақтда қурилиб, ягона мажмуани ташкил қилган. Масжиднинг кошинкори безагини

Хиванинг таниқли усталари Абдуллажон ва Ибодулла бажарган.

XVIII асрда Хива шаҳри ташқарисида хон саройи — Чодраҳовли қурилган. Бино тўғри бурчакли тарҳда, тўрт қаватли. Биринчи қават атрофи берк, икки хонали.

Ичан-Қалъа марказида жойлашган Жума масжид хароба ҳолига келиб қолган иморат ўрнида XVIII аср охирида барпо этилган. Тўғри тўртбурчак тарҳли (55х46 м) масжиднинг баландлиги — 46 метр. Бино атрофи гишт девор билан ўралган. Ягона хонақоҳ ва айвондан иборат. Айвоннинг текис тўсинли шифтини 213 ёғоч устун кўтариб туради.

Масжиднинг ўймакор эшиги ва устунларидаги XI–XII асрларга оид гулдор куфий ёзувларда *«бу жой Оллоҳнинг уйи»* эканлиги таъкидланган. XV асрга оид устунлар эса гириҳ ва ислама нақшлар ҳамда насх ёзувидаги битиклар билан безатилган. XVIII аср ва ундан кейинги даврларга оид устунлар ҳам бор. Эшик ва устунларда, масжиднинг қурилган ва таъмир этилган саналарини кўрсатувчи 1316, 1510, 1788, 1789 йиллар қайд этилган.

XIX аср бошларида Ичан қалъанинг жанубида Боғбонли масжид қурилган. Устунлардаги ёзувларда шеърӣ мисралар, бино қурилган сана — 1809 йил ва уста Рўзимухаммад номи қайд этилган. Боғбонли масжидининг поғонали қадди Оқ масжидни эслатади.

XIX асрнинг биринчи ярмида ички шаҳарнинг шарқӣ қисмида Тошҳовли саройи қурилган. Унинг жанубий ярмида қабулхона ҳовлиси — Арзҳовли ва дам олиш ҳовлиси — Ишратҳовли жойлашган. Унинг ёнида эса XIX асрнинг 30-йилларида, Оллоқулихон буйруғи билан карвонсарой қурилган. Бу ерда Хитой, Россия, Англия ва Бухоро хонлигидан келтирилган молларни сотиб олиш мумкин бўлган.

XIX аср ўрталарида Муҳаммад Аминхон шаҳарнинг ғарбий қисмида мадраса қурдирган. Хивадаги энг йирик ўқув маскани ҳисобланган бу мадрасада бир вақтнинг ўзида 260 талаба ўқитилган. Мадрасанинг олд томонида тугалланмаган Калтаминор қад кўтарган.

Ичан-Қалъа ташқарисидаги соя-салқин боғда XX асрда Нуриллабой саройи қурилган. Ичан-Қалъанинг жанубий қисмида

XX аср бошларида Исфандиёрхоннинг вазири ва қайнотаси Ислохўжа ташаббуси билан ёнма-ён қилиб мадраса ва минора қурилган. Усталар — Вайсов, Мадаминов ва Худойбердиев. Хиванинг рамзига айланиб ушбу миноранинг баландлиги — 57 метр, асосининг диаметри — 10 метрга яқин.

Музей-шаҳар ҳисобланган Хивага ҳар йили минг-минглаб сайёҳлар ташриф буюриб, қадимий обидаларни томоша қилмоқдалар. Вақт, уруш ва табиий офатлар синовидан ўтган Хивадаги ҳақиқий санъат асарларини кўриб, аجدодларимиз маҳоратига тасаннолар айтмоқдалар. Уларни кўз қорачигидек асраб-авайлаган ҳолда келажак авлодга етказиш ҳар биримизнинг фуқаролик ва аجدодлар олдидаги қарздорлик бурчимиздир.

МУНДАРИЖА

З. МУНАВВАРОВ. Сўз боши ўрнида	3
Б. ИСМОИЛОВ. Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши	6
Муҳаммад Саид ҳожи АҲМАДЖОН. Истиқлол ва диний қадриятлар	8
М. ЖУМАНИЁЗОВА. Мустақиллик ва миллий-диний қадриятларнинг тикланиши	11
Г. ИБОДУЛЛАЕВА. Ислом дини ва маънавият	12
Ш. ЭШЖОНОВА. Аёл борки. олам мунаввар... ..	15
Г. МАШАРИПОВА, А. АТАЕВ. Мустақиллик неъматлари	21
Г. МАШАРИПОВА, Ҳ. АМИНОВ. "Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ"нинг бир шарҳи ҳақида	22
М. МАҲМУДОВ. Улуғ аллома Маҳмуд аз-Замахшарий ва унга замондош олимлар	24
М. САФАРБОЕВ. Замахшарий ва унинг ислом фалсафасидаги ўрни	29
С. РЎЗИМБОЕВ. Замахшарий ва халқ ижодиёти	32
И. ЁҚУБОВ. Буюк тафаккур соҳиблари	35
Н. ЖАББОРОВ. Нажмиддин Кубронинг Искандария кутубхонасидаги қўлёзмалари	37
А. МАТНАЗАР. Ялғон ёритган нур	41
Ж. МАҲМУДОВ. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида янги мулоҳазалар	45
Ҳ. АБДУЛЛАЕВ. Кубровия тариқатидаги шоир мероси	48
Ш. СИРОЖИДДИНОВ. Навоий – илм-фан ҳомийси	50
Ф. НАБИЕВ. "Лайли ва Мажнун" достонида табиат ва руҳият тасвири	51
Н. ЖАББОРОВ. Тоҳир Эшон Урганжийнинг "Ул Убайдий Султонхон" қиссаси	54
К. АВАЗ. Ихлос	59
Ю. ЮСУПОВ. Огаҳий лирикасида комил инсон концепцияси	62
М. САФАРБОЕВ. "Авесто"да миллий қадриятларимиз инъикоси	65

Х. БОБОЖОНОВ, А. СОТЛИҚОВ. "Авесто"даги фалсафий, маънавий-ахлоқий ғоялар	67
М. МАТНИЁЗОВ. "Авесто"да таълим-тарбия ва ахлоқ тавсифи	69
Б. ДЎСЧОНОВ. "Авесто" ва тиббиёт	71
К. НУРЖОНОВ. "Авесто" қадамжоларини излаб... ..	74
Ҳ. ЮСУПОВ. "Авесто"даги йима ва "Қисаси Рабғузӣ"даги Сулаймон образларининг қиёсий таҳлили	78
Ж. ХОЛМУРАТОВА. Тилга эътибор – элга эътибор	80
Р. ЙЎЛДОШЕВ. Латин ёзуви – давр талаби	81
А. АБДУРАСУЛОВ. Тарихий ва меъморий обидалар – халқимизнинг олий қадрияти	83

Босишга рухсат этилди 14.06.2001 й.
 Буюртма №163. Адади 250. Босма табоғи 5,5.
 ФТДК ДИТАФ босмахонасида чоп этилди.
 Тошкент, Олмазор 171-уй.